Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 26 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 97 (7093)

Da'vat

Боқмаса деҳқон
чаманин туну кун,
Наҳл тарин онгла
қуруғон ўтун.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Болаларга пухта билим олиш имкониятлари билан бирга, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам шароит яратиб бериш зарур. Жиззах шаҳрида шу мақсадда «Болалар истироҳат боғи» барпо этилди. Кўркам боғни яратишда 22 та ҳомий ташкилот маблағ ажратди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Ўзбекистон Республикаси прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, Усмон Чинозович Худойқулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Бўритош Мустафоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод этилди.

• Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида «Япония маданиятининг шаклланишида хорижий мамлакатларнинг таъсири» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Муқаддас рамазон ойи муносабати билан Ингушетия Президенти Руслан Аушев республикада алькаголли маҳсулотлар чакана савдосини, жамоат жойларида улар истеъмолини вақтинчалик таъқиқлаш тўғрисида Фармон чиқарди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро жамоатчиликни, ҳайрия ва нодавлат ташкилотларни келаси йил Афғонистонга ёрдам дастури амалиёти учун 115 миллион АҚШ доллари тўплашга даъват этмоқда.

• Греция билан Ҳиндистон ўртасида имзоланган «Ўзаро тушуниш» деб аталган битим мудофаа, илмий-амалий тадқиқотлар, ўзаро ҳарбий ҳамкорлик қилиш мақсадларида тузилди.

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ БАЖАРИЛИШИДА РАҲБАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

3-БЕТ

КЎЗГУДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

4-БЕТ

Sessiya jarayonidagi o'ylar

«ДАРАХТЛАРНИ ҲАМ АВЛОДЛАРНИ ЎЙЛАБ ЭКИШИМИЗ КЕРАК»



Асримиз бошида яшаб, аср-ияти мустамлакачи давлат сиёсатининг қурбонига айланган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби қатор жадид боболаримиз ҳаёт бўлганларида, ҳур Ўзбекистонимизда таълимга берилаётган эътибордан бошлари осмонга етган бўлар эди. Улар ҳукмрон давлатнинг қаршилиги, маҳаллий амалдорларнинг, бепарволиги, бидъатчиларнинг зуғуми остида маърифатни ривожлантиришни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Ўз мактабларига мактаб очдилар, дарсликлар ёздилар, болаларга таълим бердилар. Бугун эса Ўзбекистонимиз мустақил давлатдир. Қолаверса, унинг раҳбари баркамол авлод тарбиялашда ўз дастурига эга эканлигидан ва ҳозир бу дастур амалга оширилаётганлигидан боболарнинг руҳлари шод бўлса не ажаб.

Охирги далилларга мурожаат қилсак, яқинда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғинда кадрлар тайёрлаш масаласи давлатнинг энг муҳим масалалари қаторида кўрилган бўлса, бу оҳанг Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига кўчди.

Кун тартибидаги энг асосий масалалардан бири «Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида» эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Рустам Азимовнинг маърузаси тингланди ва кенг муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам сўзга чиқиб, бу йилги бюджет лойиҳасини тайёрлашда ҳар бир масала қайта-қайта ва чуқур ўрганилганлигини таъкидлади. Юртбошимиз давлатимиз бюджети тизимини тушунтираркан, Россия федерал бюджети тизими мисолида ўз бюджет тизимимизнинг афзалликларини кўрсатиб берди. Масалан, Россиянинг турли ҳудудларида ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари маошсиз қолиб кетмоқдалар, чунки уларнинг федерал бюджети буни инобатга олмаган. Ўзбекистон давлат бюджети эса Республика ва маҳаллий бюджетларга бўлинади. Ўзбекистоннинг муҳтож бўлиб қолган ҳудудларида масалан, маҳаллий бюджет имконияти етмаган тақдирда бемалол республика бюджетидан маблағ ажратилади, жойлардаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимларига ўз вақтида маош берилади. Бу давлатнинг ёш авлод маънавияти ва миллат соғлигига катта эътиборидир.

Умуман олганда, мазкур масалада ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига берилган алоҳида таъкид таълим Ўзбекистон ҳукуматининг доимий назоратида эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

(Давоми 3-бетда)

Ислом КАРИМОВ:

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВИЛОЯТЛАР, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ ҲОКИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

1998 йил ҳам охирлаб бормоқда. Агар ўтиб бораётган йил якунлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз, аввало, жорий йилда қўлга киритган ижобий натижаларимизга ҳаққоний баҳо бериб, шу билан бирга биз мавжуд муаммоларга, йўл қўйилган нуқсонларга танқидий ва холисона баҳо беришимиз зарур.

Йил якунларидан ўзимиз учун сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб олишимиз даркор. Ислоҳотлар йўлидан олға боришимизга нималар тўсиқ бўлаётганини билиб-англаб, қайси масалалар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш, қайси йўналишларга алоҳида куч ва ресурслар сарфлаш лозимлигини аниқравшан белгилаб олишимиз керак.

Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш юзасидан қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, назаримда, **йилнинг энг муҳим натижаси - бу шаклланган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди.**

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлашувдан мустаҳкам иқтисодий ривожланишга ўтиш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўтаётган йил якунида ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми - 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти - 4,8 фоизга, чакана товар айланиши - 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 9,5 фоизга ошган. Шу тарика умуман иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий ўсиш тамойилини яққол кўриш мумкин.

1998 йилда ҳам, аввалги йилларда бўлганидек, қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига эришилди. Жорий йилда инфляция даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Биз нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 3,2 фоиз эмас, балки 3 фоиз камомад билан бажаришга эришдик.

Жорий йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати изчил амалга оширилди. Бу йил нефть ва газ конденсати, кўмир қазиб чиқариш ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан ошди.

Миришкор деҳқонларимиз бу йил 4,6 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирдилар. Бу 1997 йилдагига қараганда қарийб 850 минг тонна кўп демакдир.

Инвестицион фаолият соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилди. 1998 йилда 440 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу рақам ўтган йилга таққослаганда 20 фоизга кўпдир. Қурилиш-пудрат ишларининг ҳажми 5,1 фоизга ортди.

Капитал маблағлар таркибининг ўзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди - хорижий инвестициялар ҳиссаси 27,3 фоизга қадар ошди. Жами капитал маблағларнинг 60 фоиздан ортиғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.

Натижада чет эл сармояси иштирокида:

- Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш;
- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш;
- Хўжаободдаги ер ости газ омборини;
- Ангрендаги каолин заводининг биринчи навбатини;
- Қўнғирот сода заводини;
- «СамКўчавто», «Папфен», «Косонсой-Текмен» каби қўшма корхоналарни;
- Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида аэропортларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди, Фарғонадаги «Кимёвий тола» ишлаб чиқариш бирлашмасида полиамид-6 ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди, Асака-Хўжаобод газ қувури фойдаланишга топширилди, Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати ишлай бошлади.

Кейинги йилларда эришилган бу каби ижобий ютуқлар иқтисодиётимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлади. Бунинг натижаси ўлароқ, энди биз вужудга келган иқтисодий вазиятни зудлик билан ечишга қаратилган қисқа муддатли йиллик дастурлар ўрнига, иқтисоднинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш ва тармоқларнинг ўртача муддатга мўлжалланган ривожланиш режаларига асосланган, аниқ мақсадлар сари йўналтирилган дастурларга ўтиш имконига эга бўлдик. Бу - моҳиятэътиборига кўра, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги сиёсатимизда сифат жиҳатидан бутунлай янги бос-қичдир.

Ўтиб бораётган йилнинг ўзидагина биз бир қатор ана шундай дастурларни қабул қилдик. Уларнинг айримларини сизларга эслатиб ўтмоқчиман. Бу дастурлар ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятимиздаги барча ислоҳотлар тақдири уларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг аввало, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»ни, Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш дастурини, шунингдек, капитал қурилиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш лозим. Давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш юзасидан махсус дастур қабул қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча тармоқ ва ҳудудий йўналишдаги дастурлар ҳам ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар етакчи тармоқлар ва бутун бир минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Қабул қилинган дастурларни баҳолар эканмиз, улар бизнинг ислоҳотлар йўлидан барқарор ва жадал боришимизнинг кафолатидир, деган фикрга келишимиз мумкин.

Мен нимага асосланиб бундай хулоса чиқаряпман? Агар содда қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан, биз бугун дунёда ва юртимизда юзага келган шарт-шароитга, маданий ва маънавий ҳаётимиздаги, иқтисодиётдаги ўзига хос ўзгаришларга аниқ ва холис баҳо бермоқдамиз. Энг асосийси, биз жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш борасида нималарга эришганимиз ва яна нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз.

Иккинчидан, биз олдимизга қўйган мақсадларимизни аниқ кўриб турибмиз ва бу мақсадлар сари собитқадамлик билан, оғишмай бормоқдамиз.

Учинчидан, биз ушбу мақсадларга ниманинг ҳисобидан, қайси имконият ва заҳиралар, қандай механизмлар ва услублар асосида етишишимиз мумкинлигини биламиз.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

ТАЪҚИҚЛАНИШИ МУМКИН

Бир гуруҳ олимлар, хусусан, Калифорния университетининг нейрохирурги, доктор Барри Жорданнинг таъкидлашича, футболчилар тўпни калла билан уришлари оқибатида, бошларига кўп шикаст етказадилар. Агар олимларнинг бу хулосалари тасдиқланса, футбол қоидаларига бош билан тўп уришни таъқиқловчи пункт киритилиши мумкин.

ЙЎҚОЛГАН БИЛИМ

Тарихий манбаларда ёзилишича, ўз даврининг машҳур кимёгари Иоан Конрад фон Рихтгаузен 1648 йилда Австрия императори Фердинанд III ҳузурида «ҳикмат тоши» ёрдамида симобдан бир килограмм олтин ҳосил қилган. Яна бир таниқли кимёгар Отто Арнольд фон Пайкул ҳам қўрғошинни олтинга айлантирган. Ҳозир Европа музейларида мана шундай олтинлардан тайёрланган 62 дона танга сақланмоқда. Афсуски, алкимёга доир бу махфий билимлар бизгача етиб келмай, йўқолиб кетди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, СУВАРАК!

Болалар ўртасида астма касаллигининг кенг тарқалиб кетишига суваракла сабаб бўлар экан. Америкадаги 8 та тиббиёт маркази ходимлари олиб борган илмий қузатишлар шундай хулосага келишга асос бўлади. Олимлар суварак сўлаги теккан овқатни текширишганда, ундан аллергик астма касаллигини қўзғатувчи вирусларни топишди.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ГУГУРТ

Гугуртнинг ҳозирги шаклини францияли олим Ш. Сориа 1831 йилда 19 ёшида яратган. Унинг ёнувчан қисмида бертоле тузи ва натрий бихроматдан иборат оксидловчи моддалар мавжуд. Гугурт чўпи асосан тоғтерак ёғочидан тайёрланади. Бугунги кунда оддий гугуртлар билан бир қаторда 1500 даражагача иссиқлик ажратувчи гугуртлар ҳам ишлаб чиқарилади.

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

5-БЕТ

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БЎЛМАГАЧ...

6-БЕТ

НАТИЖАДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ислоҳотлар самарасини ошириш борасида маҳаллий ҳокимлик идоралари масъулиятини кучайтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий Дастури бўйича академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишини жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мазкур йиғилиш амалдаги йилнинг якунида ўтказилганлиги боис, ўз маърузасида асосан эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш омилларига тўхталди Президентимиз. Хусусан, иқтисодиёт ҳақида гап кетганда, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланганлиги катта ютуқ сифатида қайд этилди. Давлатимизнинг барча соҳада жаҳон ҳамжамиятига тобора уйғунлашиб бораётганлиги бир талай муваффақиятлар қаторида айрим муаммоларни ҳам юзага келтираётганлиги ҳам таъкидланди. Жумладан, пахтани сотиш билан боғлиқ аҳвол мисолида қилинган таҳлилда республиканинг ички иқтисодий ҳаётига ташқи таъсирнинг нақадар аҳамиятли эканлиги исботлаб берилди. Шунингдек, бу муаммоларнинг юзага келишида ички омиллар иштироки ҳам борлиги рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Ислом Каримов асосан масаланинг айнан шу жиҳатига тўхталиб, энг оқсоқ томонимиз давлатимиз тутган йўлнинг ҳалқ , оддий одамлар томонидан тўла-тўкис тушуниб етилмаётганлигида эканлигини уқтирди. Бу борада, аввало, жойлардаги раҳбарлар ислоҳотлар мазмун-мақсадини англаб етмоқликлари, ўз қарашлари ва муносабатларини замонавий, демократик тамойилларга асосланган давлат ва жамиятга мос тарзда шакллантиришлари лозимлиги шарт қилиб қўйилди. Сўнгра халқ ичида бу-ларни тушунтиришлари , муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини улар билан баҳамжиҳатликда амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Шундагина раҳбарга одамлар ишончи ортиши, унинг эзгу даъватига «лаббай» деб жавоб бериш мумкин. Бугунги кун раҳбардан собиқ шўро тузумидагидек «биқиқ ҳаётдан» эмас, балки жаҳон тараққиётидан хабардор бўлишни талаб этади. Бунинг учун эса «раҳбар тинмай ўз устида ишлаши, замонавий билимлар билан қуролланиши, жаҳон бозори ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим», деди юртбошимиз.

Илмга чанқоқ, шижоатли ёшлар ҳақида гапира туриб, мамлакатимиз раҳбари катталарнинг ёшларга ибрат, намуна бўлиши айни кунда машаққатли иш эканлигини алоҳида таъкидлади. Чунки улар шиддат билан олға илдамламоқда, илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан бохабар бўлмоқда. Табиийки, маёқ илгарида бўлади, унга интилишади. Фарзандлардаги бу каби ижобий ҳаракатларни рағбатлантириб, керакли шарт-шароит яратиб, ўз юртининг фидоийларини, муносиб издошларни етиштириш катталар зиммасидаги улкан вазифа сифатида яна бир бор эсланди.

Мамлакатимиз раҳбари, мавжуд муаммоларнинг ҳалиҳануз барҳам топмаётганлигининг асосий сабабларидан бири—кадрлар масаласининг узил-кесил ижобий ҳал этилмаганлигида, деди. Шу мақсадда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг изчил амалга ошуви, бу ўринда ҳам жойлардаги раҳбарларнинг ёндашуви белгиловчи мезон ролини ўйнаши қайд этилди. Жумладан, Ислом Каримовнинг замонавий лицейлар ва касб ҳунар коллежлари биноларининг лойиҳа макетларини кўздан кечира туриб билдирган мулоҳазалари ўринли бўлди. Юртбошимиз бу биноларнинг нафақат илм ва ҳунар маскани, балки киши кўрса кўзи қувонадиган даргоҳ даражасида бўлишини талаб қилиб ўтдилар. Тўрт томондан девор билан қопланган бир лойиҳа макет хусусида тўхталиб, унга қуёш нури тегмаслигини таъкид қилди. Ислом Каримов бу биноларнинг қурилиши бўйича ўзига хос мусобақани ташкил этилишини қўллаб-қувватлаяжагини, яқин икки йил ичида қурилажак академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг очилиш маросимида шахсан ўзи иштирок этишини билдирди. Бундайин қизиқувчанликни, куюнчакликни бир нарсага, яъни ҳақиқий инсоннинг ўз эзгу орзусини нақадар севишига, қадрлашига, унинг ҳаёлдан бекаму-кўст рўёбга айланиши йўлидаги жонфидолигига йўйиш мумкин. Зеро, бу орзу замирида Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги, муносиб тақдири мужассам.

А.РАҲИМОВ

Munosabat

Ислом КАРИМОВ:

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

(Боши 1-бетда)

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз бугун қандай аҳволда эканимизни, эртага нимага эришмоқчимиз ва, энг муҳими, ушбу мақсадларга қандай қилиб эришиш мумкинлигини биламиз.

Буларнинг барчаси бугунги мураккаб, яъни ўтиш даврининг ҳали ечилмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодиётимизга жиддий таъсир кўрсатаётган вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Гап нима ҳақида кетяпти?

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий ислоҳотлар жараёнига дунё иқтисодиётида, Жанубий Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиққан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб фалаж қилган иқтисодий инқироз салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Очиқ эътироф этиш керак: эндиликда ана шу умумжаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари бир неча йиллар давомида бизга ҳам сезилиб туради.

Иккинчидан. Жаҳон бозорида хомашё ресурсларига, айниқса экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиладиган маҳсулотларга баҳо коньюктураси кескин пасайди. Энг аввало, бу жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишлидир.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чуқур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

Худди шундай вазият бизнинг экспортимиз асосини ташкил этувчи рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хомашёлар баҳоларида ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, бу валюта тушумига, тўлов балансларига, алоҳида тармоқлар ишлаб чиқариш ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кескин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкинки, стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдик. **Яъни, ўтган йилги олтин заҳираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташқи савдо ва тўлов балансига эришдик. Энг муҳими, ишончга сазовор, тўлов қобилиятига эга эканимизни яна бир бор тасдиқлаб, бу йил зиммамизга олган барча ташқи тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлдик.**

Учинчидан. Биз учун бу йил пахтачиликда жуда мураккаб ва сермашаққат бўлганини барчангиз яхши биласиз. Мўлжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хомашёси кам тайёрланди. Агар толага чақсак, бу тахминан 250 минг тоннани ташкил этади.

Бу ҳол кўпгина хўжаликлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналарининг молиявий аҳволига, умуман бутун иқтисодимиз аҳволига қандай таъсир кўрсатганлигини, қанчалик зарар кўрганимизни сизлар тўғри тасаввур қиласиз, деб ўйлайман. Оқибатда анчагина ҳажмдаги валюта маблағи бой берилди.

Белгиланган режадан келиб чиқиб, йил давомида агротехник тадбирларни ўтказишга кўплаб маблағ сарфлаганимизни ҳам алоҳида ҳисоблаш лозим. Буларнинг барчаси хўжаликлар елкасига оғир юк бўлиб тушиб, уларнинг кўпчилигини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, объектив сабаблар туфайли кўрилган зарарни қоплаш ва 1999 йилги янги мавсумга тайёргарлик учун зарур маблағлар топиш хусусида ҳукумат қарори тайёрланмоқда.

Муҳтарам мажлис аҳли!

Юқорида айтилганларнинг барчаси тараққиётимиз самарадорлиги ва суръатларига салбий таъсир кўрсатган ташқи омиллардир.

Энди ўзимизнинг ички муаммоларимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Уларнинг ечими аввало бизнинг ўзимизга, вазифада ўтирганларга, хизмат ваколати ва таъсир этиш кучига эга бўлган раҳбарларга, қолаверса, фуқаролик бурчини тўла англаб етадиган инсонларга боғлиқ.

Мен шу ўринда олға юришимизга тўғаноқ-тўсиқ бўлаётган сабаблар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу аввало ислоҳотларни ўтказиш суръатларига, ислоҳотларни амалга ошириш қай даражада ўз самарасини ва натижаларини бераётганлигига боғлиқ. Мен яна ва яна бир карра алоҳида таъкидламоқчиман:

биз ислоҳотларни ислоҳотлар учун эмас, шунчаки расмият учун, бажарилган иш ҳақида номига ҳисобот бериш учунгина ўтказмаяпмиз. Ҳаммамиз буни тушунишимиз шарт.

Ўзимиз учун яна ва яна бир бор аниқ англаб олишимиз зарурки, биз ислоҳотларни фақат инсон манфаатлари учун, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун, мамлакатимизни кучли ва барқарор қилиш учун ўтказяпмиз.

Бугун бизни ислоҳотлар ўтказиш суръатлари ҳам, натижалари ҳам қониқтирмаяпти. Энг муҳими эса, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишда бепарволикка, юзакичиликка ва лоқайдликка асло чидаб бўлмайди.

Иқтисодий муносабатлар барча даражаларда, биринчи навбатда, қуйи бўғинларда секин ўзгараётганлигини тан олиш керак. Биз хусусий мулк, хусусий мулк эгалари, ишлаб чиқаришни ҳиссадорлик асосида ташкил этиш ҳақида кўп гапирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик ташкилотлар ва муассасаларнинг асосан шакли ва ташқи белгиларини жаҳонда эътироф этилган тушунчаларга қараб мослаштирмоқдамиз.

Ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, холдинг компаниялари, биржа ва ҳоказолар тузилмоқда. Аммо масаланинг туб моҳиятига қарайдиган бўлсак, ишни ташкил қилиш услублари ва тамойиллари, — қайси соҳада, қайси бўғинда бўлмасин, — деярли ўзгармаяпти. **Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самараси сезилмаяпти, одамлар тафаккурида, меҳнатни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш тизимида жуда кам ўзгариш рўй бермоқда.**

Кўп ҳолларда акционерлар ўзларини хўжайин ҳисобламайдилар, чунки амалда улар ўз корхонасини ривожлантириш муаммоларига лоқайд қарайдиган ёлланма ишчи бўлиб қолмоқдалар.

Акс ҳолда, қанчалик қатъий чора-тадбирлар қўлланаётганига қарамай:

— корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб бораётганини, қатта-катта айланма маблағлар қуриб битказилмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинаётганини, ўз харидорини топа олмай омборхоналарда қолиб кетаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши камаймаётганини, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, иш унуми ва иш самараси ўсмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу, авваламбор, корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг онгида ҳамон боқимандалик кайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи қутқариб қолади, деган тушунча сақланиб келаётганидан далолатдир. Эски замондан қолган энг ярамас асоратлардан бири – боқимандалик кайфиятидан жудо бўлиш жуда оғир кечмоқда.

Бу ерда ҳамма нарса кадрларнинг касбий малакаси, масъулияти, ташкилотчилик қобилиятига бориб тақалади. Бу, авваламбор, бошқарув соҳасида ишлаётган кадрларга тегишлидир. Биз бугунги кадрлар ишлаб чиқариш, иқтисодни ташкил қилиш соҳаларини кун сайин ўсиб бораётган талабларига нечоғли жавоб бераётганига, уларнинг замонавий менеджмент услубларини, маркетинг санъатини қанчалик эгаллаб олганларига, янги бозор муносабатлари шароитида ишлашга қанчалик қодир эканликларига холис баҳо беришимиз керак.

Агар шу нуқтаи назардан кадрларимизга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, уларнинг кўпчилиги бугунги ҳаёт талабларига жавоб бермайди.

Шу масала билан узвий боғланган яна бир ҳал қилувчи масала — мулк масаласини ечиш. Бу ҳақда ҳам кўп гапирамиз. Мисол учун, саноат, қишлоқ хўжалиги, бошқа соҳаларни четда қолдириб, банк тизимини олайлик. Чунки ҳозирги шароитда, ислоҳотларнинг мавжуд босқичида мазмун-моҳияти, мавқеига кўра, бу ташкилот янги тизимнинг энг илғор бўғини бўлиши, бозор иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиши керак.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор.

Бугун шуни таъкидлашимиз керакки, мазкур соҳани диққат-марказда сақлаб туришимизга, бу соҳага амалий ёрдам ва имтиёзлар беришимизга қарамасдан, банк тизимида ҳақиқий ислоҳотлар юз бераётгани йўқ.

Таассуфки, бизда банклар ҳанузгача давлат ва корхоналарнинг маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш билан банд, уларнинг асосий иши жорий операциялардан иборат бўлиб қолмоқда.

Банклар ўз таъсисчиларининг эркин, бўш маблағларини ўзида тупловчи - биз орзу қилган тизимга айлангани йўқ. Банклар ҳалигача таъсисчилар тимсолида намоён бўладиган ҳақиқий эгаларини тополмаяпти.

Банклар хусусийлаштирилса, унда ҳақиқий эга пайдо бўлади. У банк тақдири билан бир қаторда ўз манфаатини, шу билан бирга ўз масъулиятини чуқур сезадиган ва шу асосда иш олиб борадиган бўлади.

Афсуски, банкларимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш, унинг тизимларини қайта ташкил этиш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ечадиган инвестиция ва кредит марказларига айланиши жуда сустлик билан ўтмоқда.

Бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак. Бутун тараққий топган дунё қаторида, бизда ҳам авваламбор **ўзи топган ва жамғарган маблағларига эга бўлган,** нафақат оддий кредит беришга, балки узоқ муддатли инвестицион кредитларни беришга ҳам қурби етадиган, шу билан давлатимизнинг инвестиция жараёнида асосий субъект, аъзо бўладиган банклар пайдо бўлиши шарт.

Банкларнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнларда ҳал этувчи куч эканини инобатга олсак, бу ҳол умумиқтисодиётни ислоҳ этишнинг мазмуни ва натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Шуни инобатга олиб, нафақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, авваламбор, Пахтабанк, Баллабанк, Мевасабзавотбанк, Савдогарбанк, Саноат-қурилиш банки ва шуларга ўхшаш бошқа банкларимизнинг тақдирини яна бир бор кўриб чиқишимиз даркор.

Бу масалаларда, биз авваламбор, Жаҳон банкининг тавсиялари ва ёрдамига суянамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш алоҳида эътиборга молик масаладир. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича махсус республика ва ҳудудий комиссиялари тузилди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида турли хил семинарлар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, барча масалалар йил бошидаёқ кўриб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам, бугун ислоҳотларнинг амалда қандай бораётганини танқидий кўз билан баҳолаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўп айтилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини сизларга яна бир бор эслатмоқчиман. Бу масалага бугун олдимизга қўйилган вазифалар, талаблар нуқтаи назаридан ёндошсак, фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

Ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳал этишимиз зарур бўлган учта масалада мужассамлашган.

Биринчидан, деҳқоннинг ерга, мулкка жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш шакли сифатида **мулкий пайни** жорий этиш;

Иккинчидан, ҳар бир деҳқон, хизматчининг манфаатлари билан умумжамоа манфаатларини ўзаро уйғунлаштирадиган қишлоқ хўжалик корхонасини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан энг самарали шакли сифатида **жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкатларга) айлантириш;**

Учинчидан, ҳар бир хизматчининг даромади, оилавий фаровонлиги меҳнатига яраша бўлишини таъминловчи, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишга асосий восита бўлувчи **оилавий пудратни кенг жорий этиш.**

Мазкур вазифаларнинг амалда қандай ҳал этилаётганини таҳлил қилсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, биз бу борада эндигина биринчи қадамларни қўймоқдамиз.

Хўш, айтинглар-чи, қишлоқда ер, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг аниқ эгалари — мулкдорлар бўлишига эриша олдикми?

Афсуски, йўқ. Мулкий пайларни шакллантириш механизмларини ўзлаштириш жуда суст бормоқда. Ерни баҳолаш, Ер кадастри билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаяпти.

Жорий йилда 65 та жамоа хўжалигини ширкатларга айлантиришга қарор қилинди. Белгиланган режага тўғри келса ҳам, айтиб қўяй, бу — жуда оз. Лекин гап ҳозир сон ҳақида кетмаяпти.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш, мулкий пай, ёппасига оилавий пудратни жорий этиш бизга нима беради — гап мана шунда. Бизнинг бу борадаги ташвишларимизни, мақсадларимизни ҳар бир киши, аввало, деҳқоннинг ўзи идрок этиши, чуқур ҳис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ишни албатта туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарларининг ўзидан бошлаш керак. Раҳбарларимиз бу масалага одат тусига кириб қолган хўжакўрсин қабилида, тўраларча ёндошадиган бўлса, олдиндан айтиб қўяй, ишимиз юришмайди.

Авваламбор қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз буни жуда чуқур англаб олишлари зарур. Бу соҳада кўзланган ислоҳотларнинг негизини, маъно-моҳиятини билмасдан туриб, раҳбар бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи ўзи йўқ.

Шунинг учун ҳам 1999 йилнинг январь-февраль ойларида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва мазкур соҳадаги вазифаларни бажаришга доир қонун ва қарорларни ўрганиш мақсадида семинарлар ташкил этиш лозим. Энг аввало, семинар якунлари бўйича хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимларнинг билим даражалари синовдан ўтказилсин.

Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эрта-кечи йўқ.

Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Огоҳлантириб қўяй, бу муҳим ишни навбатдаги кампаниябозликка айлантириб юборишга йўл қўймаслигимиз керак.

Келинглар, энди қишлоқда оилавий пудрат қандай жорий этилаётганини кўриб чиқайлик. Бу борада анчагина тажрибамиз бор. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар шартнома муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шартномага биноан, аҳдлашувчи томонлар, яъни хўжалик бошқаруви билан пудратчи оила зиммаларига олган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари шарт. Ҳозирча бу ишда, афсуски, хўжакўрсинлик, юзакичилик ҳоллари жуда кўп.

Хўжалик билан муайян оила ўртасидаги шартнома ҳалигача ижро этилиши мажбур бўлган қонун ёки норма кучига эга бўлмаяпти. Кўп ҳолларда шартнома хўжалик томонидан кўнгилдагидек бажарилмайди.

Бусиз ички хўжалик муносабатлари ва меҳнатни ташкил этишнинг асосий механизми ҳисобланган оилавий пудратни ривожлантириш жуда қийин.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳақида нима дейиш мумкин? Бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий масала — фермерларга сервис хизмати кўрсатиш, техника, ўғит, уруғ билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаяпти, қишлоқда мазкур вазифани бажариш мумкин бўлган чакана ва кичик улгуржи дўконлар тармоғи яратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қиладиган кооперативлар йўқ. **Юридик шахс мақоми бўлган деҳқон хўжаликларини шакллантириш,** уларга банкларда ўз ҳисоб-китоб рақамларини очиб бериш, кредит бериш жараёни жуда чўзилиб кетаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Хурматли дўстлар!

Қишлоқ хўжалигининг бош масалаларидан бири — бу хўжаликлардаги айланма маблағ масаласидир. Айланма маблағи бўлмаган хўжаликларнинг қўли кесилиб, улар узоққа боролмайди. Бундай хўжаликлар янги мавсумда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қодир эмас. Улар вақтида уруғлик, ўғит, ёқилғи сотиб ололмайдилар, ерни ва техникани экин-тикинга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча юмушларни ўз муддатида бажаролмайдилар.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг етарли миқдорда ўз айланма маблағларига эга бўлишига имконият яратиш бошқарув тизимининг доимий иши бўлиши лозим.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, етказиб берилган деҳқончилик маҳсулотлари учун хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш зарур. Тан олиш керак, ҳозирча бу масала энг оғир муаммога айланмоқда.

Албатта, қишлоққа аванс беряпмиз. Жорий йилнинг ўзида пахтачилик, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларга марказлаштирилган ресурслардан 94 миллиард сўм аванс бердик. Албатта, бу катта пул. Мана шу маблағ туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника, ёқилғи, электр энергияси, минерал ўғит етказиб берувчи корхоналардан қарзи анча камайди. Аванснинг бир қисми деҳқонларга иш ҳақи сифатида тарқатилди. Аммо бу иш муаммони ҳал этишнинг бир қисми, холос. Асосий масала бошқа ёқда.

Бу масалани ечиш учун, авваламбор, биз ўнлаб тармоқлар, юзлаб, минглаб корхоналар иштирок этадиган **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ким бош бўғин эканини узил-кесил аниқлаб олишимиз керак.**

Табиийки, бу бош бўғин аввало, ишлаб чиқарувчилар, аниқроқ айтсак, хўжалик (ширкат), фермер ва деҳқон хўжаликлари — **ризқ-рўзимизни яратадиган, саноатни хомашё билан, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқларини эса иш билан таъминлайдиган деҳқонлардир.** Модомики, шундай экан, мазкур хизмат берувчи тармоқлар ҳам, саноат ҳам ўз навбатида қишлоққа, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга сифатли хизмат кўрсатиши шарт. Бу гап барчамизга, жумладан, банк ва молия тизими ходимларига ҳам таллуқлидир.

Энди ҳисоб-китоблар ҳақида. Ҳамма гап шундаки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, моҳият-эътиборига кўра, йил бўйи давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бир мавсумдаги ишлар тугамасдан, янги мавсум ташвишлари бошланиб кетади. Ўшанда шундай муаммо пайдо бўлади - янги мавсум ишларини бошлаш учун маблағни қаердан олиш мумкин?

Уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар харид қилиш, дренаж-коллектор тармоқларини тозалаш, техникани тайёрлаш ишлари қайси маблағ ҳисобидан амалга оширилади? Деҳқонларга амалда бажарган иши учун ҳақ тўлаш масаласи нима бўлади?

Бунинг устига, харидор-истеъмолчилар, биринчи навбатда, давлат тузилмалари олган маҳсулоти учун хўжаликларга ўз вақтида ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилмаган бўлса, мазкур муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Кўрянсизми, яна боши берк кўчага кириб қоламиз. Яъни, хўжалик ўзи етиштирган ва сотган маҳсулоти учун тегишли маблағни ўз вақтида ололмайди. Бечора хўжалик нима қилади? Яна суғурта ҳисобидан юқори фоизли кредит олишга, янгидан қарзга ботишга мажбур бўлади.

Бу ерда мантиқ қани?

Бу масалани ким ҳал этиши керак? Албатта, масала жуда мураккаб. Лекин бу муаммони айланма маблағларни молиялаштириши ва шакллантириши лозим бўлган Ҳукумат, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа тузилмалар узил-кесил ечиб бериши керак.

Биз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида ишлашини, ишлаганда ҳам самарали ишлашини хоҳласак, бу масаланинг ечимини албатта топишимиз шарт. Биз қишлоқ хўжалиги бозор шароитларида ишлашини талаб қиламиз-у, бунинг учун амалда зарур шарт-шароит яратиб бермаймиз. Бу - **масаланинг биринчиси.**

Иккинчи масала - хўжаликларда оддий ҳисоб-китобни йўлга қўйишдир. Тан олиш керакки, қишлоқ хўжалигида бугунги кунда чуқур, ҳозирги замон талабларига мос келадиган ҳисоб-китоб йўқ. Шу йилнинг ўзида санация қилинган 104 хўжалик фаолиятининг таҳлили бу фикрни тасдиқлайди ва кўп масалаларда ҳушёр бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Илгари бутунлай зарар кўриб ишлаган хўжаликлар санация қилинганидан кейинги жорий йилни, деҳқонлар учун ниҳоятда оғир келган йилни фойда билан якунлашларига нималар асосий омил бўлди?

Бунга қуйидаги масалаларни ҳал этиш орқали эришилди:

биринчидан, хўжалик бошқарувига малакали мутахассис раҳбар — ташқи бошқарувчилар келди. Бу жуда муҳим, керак бўлса ҳал қилувчи омил бўлди;

иккинчидан, вақтинча эски қарзларни тўлаш ва тўлов муддатларини узайтириш масалалари ҳал қилиб берилди, амалда хўжалик ўз фаолиятини янгидан бошлади;

учинчидан, энг муҳими, дастлабки ҳисоб-китоб йўлга қўйилди ва хўжаликларнинг молиявий жавобгарлиги кучайтирилди. Деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларга яраша ҳақ ола бошлади;

тўртинчидан, яна бир муҳим масала ечиб берилди — санацияга тортилган хўжаликлардаги **уларнинг оёғига кишан бўлиб турган ортиқча ишчи кучини бўшатиш мумкин бўлди.** Йил мобайнида ана шу хўжаликлардан 41 минг нафардан ортиқ ишловчи бўшатилди;

бешинчидан, йилни фойда билан якунлаган санацияга тортилган хўжаликларда, юқорида зикр этилган омиллар билан бир қаторда, ишлаб чиқариш тўғри ва оқилона ташкил этилди, барча зарур агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди;

ва, ниҳоят, бу хўжаликларда деҳқонларнинг ўз ишининг якуний натижасига бўлган манфаатдорлиги кескин ортди. Одамларда ўз ишига, яратувчилик меҳнатига қизиқиш пайдо бўлди. Бу ниҳоят даражада муҳимдир.

Шунинг учун биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида тўплаган тажрибани ижобий баҳолаб, 1999 йилда самарадорлиги паст ва зарар кўриб ишлаётган яна 150 га яқин хўжаликни санация қилиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу масала бўйича ҳозир махсус ҳукумат қарори тайёрланмоқда. Бу ерда ўтирган барча раҳбарлар ана шу қарорда баён этилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари лозим.

Учинчи - илгари ҳам кўп маротаба гапирилган масалага яна қайтамиз - бу ернинг ҳосилдорлигини таъминлашдир. Мен бу масалани ерни парваришлаш, унинг маҳсулдорлигини таъминлаш деб айтган бўлар эдим.

Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асрабавайлашимиз шарт. **Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади.** Мен бу ўринда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ҳам, суғориш ишларини ҳам, ўз вақтида ўғит солишни ҳам, дренаж-коллектор тармоқларини тозалашни ҳам назарда тутмоқдаман.

Бир сўз билан айтганда, бу агротехника ва юксак деҳқончилик маданияти демакдир. Бугунги энг долзарб масала экинлар селекциясини ташкил этиш, ирсий (генетик) жиҳатдан тезпишар, юқори ҳосилли ва касалликларга бардошли янги навларни жорий этиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлашдир.

Тўртинчи вазифа — таъбир жоиз бўлса, юқорида айтилган барча масалаларни ҳал этадиган омил — **бу кадрлар тўғрисидаги масаладир. Қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ерни биладиган ва ардоқлайдиган, бу соҳада ишловчиларнинг бошини қовуштира оладиган билимдон бошқарувчиларга, юқори малакали мутахассис ва раҳбарларга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.**

Шу ўринда биз қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни рўёбга чиқариш қандай улкан аҳамиятга эга эканига қайта-қайта иқрор бўлмоқдамиз. **Мен барча туман ва вилоят раҳбарларини мана шу масаланинг моҳиятига чуқур кириб боришга даъват этган ва керак бўлса, буни талаб қилган бўлур эдим.**

Бугун дастурни амалга оширишда муайян тармоқлар ва уларнинг раҳбарлари зиммасидаги алоҳида масъулият ҳақида гапириш мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари, ўқув муассасалари, мактаблар, қисқаси, маориф соҳасида меҳнат қилаётган, таъкидлаш керакки, яхши ишлаётган раҳбарларнинг масъулияти ва роли ҳақида гапириш мумкин.

Лекин мен бугун ҳокимлар, маҳаллий ҳокимият вакилларининг жуда катта масъулиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари, қўйингки, одамларнинг ишончига сазовор бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлиқ. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндошмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади.

Мен мана шу залда ўтирганларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, **мазкур дастурни амалга оширувчи энг бош жонкуярлар сизлар бўлишингиз лозим.** Раҳбарлар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўришлари керак. Биз, раҳбарларга, халқ доимо ишонч ва умид билан қарайди. Бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги эса эртага бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрларни тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, муболаға бўлмайди.

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни такрор-такрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида — ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни кўриш мумкин эмас. **Бу охир-оқибатда бизнинг фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги бурчимиздир.** Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор.

Фарзандларимиз - бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад бугунги кунда одамларнинг онгу шуурига кириб борди — биз келажаги буюк бўлган давлат ва жамият қуришни истаймиз. Ва бунинг учун бизда ҳамма асослар бор.

Лекин **ана шу мақсадга етишнинг муҳим шарти, яна ва яна таъкидлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир.**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, муболағасиз айтиш керакки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини шакллантириш, саҳоватли заминимизда яшаётган одамларнинг бахти ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиш лозим.

Келинг, энди асосий муддаога ўтайлик. Менинг сиз, ҳокимларга аниқ топшириғим бор. Дастурда 1999-2000 йилларда 187 академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва 110 та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган. Лекин мен вазифани кенгроқ қўймоқчиман. Шу икки йилда биз ҳар бир туман, ҳар бир шаҳарда янги лойиҳалар бўйича энг замонавий, талабларга жавоб берадиган коллеж ва лицейлар қурамиз.

Бу андоза асосида кўплаб шундай қурилишларни амалга оширишимиз мумкин. Бунинг учун лойиҳа институтлари лицей ва коллежларнинг касб ихтисосини ҳисобга олиб махсус лойиҳалар ишлаб чиққан. Бу муассасаларнинг қаерда жойлашиши аниқлаб берилган ҳукумат қарори қабул қилинган. Кўп вилоятларда улар учун керакли миқдорда ер ҳам ажратиб берилди. Муҳими, уларни молиявий таъминлаш манбаалари аниқ белгиланган.

Келгуси йил бюджетининг ўзидаёқ бу мақсадлар учун 34 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Қурилишни амалга ошириш учун ҳар бир вилоятда коллеж ва лицейлар бунёд этишга ихтисослаштириладиган бир неча қурилиш трестлари белгилаб қўйилган. Мен очиқ-ойдин айтиб қўяй - **бу коллежлар нафақат билим масканлари, балки биз юртимизга келадиган меҳмон ва сайёҳларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган муҳташам иншоотлар бўлиши лозим.**

Мен сизларнинг олдингизга бугун мана шу истиқболдаги вазифани қўймоқчиман.

Ишонаманки, ўзини мамлакатимизнинг ҳақиқий ватанпарвари деб билган, унинг ажойиб келажагига ишонган ҳар бир инсон ана шу улкан ва ҳаётий муҳим вазифани рўёбга чиқаришга муносиб ҳиссасини қўшади.

Бошланғич синф ўқувчиларини саодат сари етаклаш. Бу ишнинг тоғларча масъулияти, болаларнинг беғубор қувончу ташвишларига шерик бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Сирдарё шаҳридаги 40-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Рашида Мажидова ана шундай бахт соҳибаларидан бири.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

DTM tahlili

КЎЗГУДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Газетанинг олдинги сонларида Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларининг туман ва шаҳарларидан 1998 йил тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлигининг статистик таҳлили махсус жадвалларда берилган эди.

Бугунги сонда Қашқадарё вилоятининг туман ва шаҳарларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг барча фанлардан берган жавобларининг самарадорлик кўрсаткичлари жадваллар асосида берилди.

Қашқадарё вилоятидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлигини республика вилоятлари кўрсаткичлари билан таққослаш натижасида қуйидагиларни кўриш мумкин:

	жамланган кўрсаткич	олий уқув юртлари бўйича (бўлимлар)		ўрта махсус ўқув юртлари
		кундузги	сиртқи	
Ўзбек тили ва адабиёти	4	6	4	3
Математика	3	2	3	3
География	7	8	3	-
Тарих	3	2	4	3
Кимё	7	8	4	13
Биология	4	5	5	4
Физика	1	2	1	-
Инглиз тили	6	7	6	-
Немис тили	5	7	4	-
Француз тили	8	9	2	-

Ўзбек тили ва адабиёти – Китоб тумани - 43,445%, Шаҳрисабз шаҳри - 54,79%, У. Юсупов тумани - 41,89%, Китоб шаҳри - 51,11%;

Математика – Китоб - 50,11%, Деҳқонобод - 50,30%, Усмон Юсупов - 50,76% туманлари, Шаҳрисабз - 59,36%, Қарши - 50,94% шаҳарлари;

Физика – Усмон Юсупов - 40,08%, Ғузор - 39,33% туманлари, Шаҳрисабз шаҳри - 37,7%;

Биология – Китоб - 56,07%, Яккабоғ - 56,54%, Ғузор - 57,18% туманлари, Шаҳрисабз - 57,9%, Қарши - 51,10% шаҳарлари;

Кимё — Усмон Юсупов - 47,55%, Китоб - 43,83%, Яккабоғ - 43,70% туманлари, Шаҳрисабз - 44, 01%, Китоб - 67,59% шаҳарлари;

Тарих – Усмон Юсупов - 60,73%, Муборак - 60,76%, Китоб - 60,36% туманлари. Шаҳрисабз шаҳридан 85 абитуриент қатнашиб 72,94 фоиз самарадорликка эришганлар, бу кўрсаткич шаҳар ва туманларга нисбатан анча юқори.

География — Ғузор - 47,51%, Косон - 47,22%, Қарши - 47,22% туманлари. Умуман олганда, юқорида кўрсатиб ўтилган туман ва шаҳарлардан қатнашган абитуриентларнинг самарадорликлари бошқа туман ва шаҳарларга нисбатан юқоридир.

Жадвалга эътибор қаратилса, Қашқадарё вилоятидан қатнашган абитуриентларнинг чет тиллар бўйича жавоблар самарадорлиги бошқа вилоятларга нисбатан бирмунча пастлигини кўриш мумкин.

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси, малака ошириш институти, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, услубиёт хоналарининг мутахассислари, мактаб раҳбарлари статистик таҳлилларни жойларда ўрганиб, тегишли тадбирлар белгилайдилар, деб умид қиламиз.

Қашқадарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %
1	Қарши тумани	883	45,59	418	29,30	0	0,00	433	49,99	1	30,56	30	54,63
2	Китоб тумани	814	51,77	373	36,48	0	0,00	282	54,35	26	26,18	130	59,42
3	Косон тумани	558	44,66	294	33,92	0	0,00	234	51,53	10	30,00	18	32,56
4	Муборак тумани	94	35,76	37	27,48	0	0,00	31	40,23	23	21,50	3	31,48
5	Шаҳрисабз тумани	1297	49,10	612	35,80	0	0,00	463	50,68	71	27,54	144	54,05
6	Нишон тумани	280	42,26	190	27,25	0	0,00	78	51,89	1	33,33	11	60,10
7	Чироқчи тумани	782	45,58	378	35,02	0	0,00	266	42,93	21	24,21	106	55,66
8	Яккабоғ тумани	1420	47,34	595	33,87	0	0,00	617	51,33	22	21,59	183	53,11
9	Қамаши тумани	1003	44,76	418	30,87	0	0,00	434	48,50	10	25,83	133	48,04
10	Ғузор тумани	776	46,40	443	30,41	0	0,00	291	53,50	7	30,95	35	55,48
11	Касби тумани	456	45,43	214	32,32	0	0,00	203	49,59	9	23,15	30	57,50
12	Баҳористон тумани	41	40,79	30	31,48	0	0,00	8	51,74	2	23,61	1	33,33
13	Деҳқонобод тумани	236	44,47	134	30,93	0	0,00	78	48,79	4	22,92	20	54,44
14	Усмон Юсупов тумани	168	42,10	93	31,21	0	0,00	58	46,22	8	23,61	9	44,75
15	Қарши шаҳри	554	43,58	339	34,06	0	0,00	200	46,11	3	36,11	11	36,62
16	Косон шаҳри	9	48,15	5	32,22	0	0,00	3	48,15	0	0,00	0	0,00
17	Муборак шаҳри	30	31,94	20	29,17	0	0,00	0	0,00	9	20,37	0	0,00
18	Шаҳрисабз шаҳри	214	52,10	150	44,15	0	0,00	27	56,28	28	27,38	8	57,29
19	Қамаши шаҳри	4	27,78	4	18,06	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Қашқадарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %	География Абит. сони	География Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Инглиз тили Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Немис тили Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Француз тили Самарадорлик %
1	Қарши тумани	833	41,01	459	44,23	252	33,19	167	55,61	165	39,16	261	53,12	7	46,03	243	38,05	69	31,64	12	23,61
2	Китоб тумани	900	43,44	396	50,11	199	37,77	286	56,07	281	43,83	240	60,36	11	47,22	284	43,50	72	30,48	4	45,83
3	Косон тумани	545	36,18	322	42,86	194	37,03	133	52,44	145	37,64	115	49,54	10	47,22	115	32,63	32	25,26	14	35,32
4	Муборак тумани	80	35,66	53	48,74	41	33,27	11	50,76	12	38,19	16	60,76	1	13,89	20	54,72	1	16,67	2	19,44
5	Шаҳрисабз тумани	1219	41,87	620	45,81	353	37,87	307	55,35	329	40,27	327	58,68	24	38,31	243	41,53	89	30,81	108	32,72
6	Нишон тумани	355	38,81	187	45,37	110	35,10	80	48,92	66	35,56	103	55,93	12	39,81	94	37,03	46	24,21	3	26,85
7	Чироқчи тумани	781	37,47	464	49,72	243	37,22	150	48,20	148	38,36	185	54,40	8	41,67	254	41,12	64	20,40	22	30,05
8	Яккабоғ тумани	1475	41,31	665	42,47	423	33,67	444	56,54	428	43,70	426	54,51	27	44,55	235	39,83	188	29,79	73	32,72
9	Қамаши тумани	921	37,91	469	42,74	297	31,59	256	50,81	252	36,72	234	51,35	21	42,72	134	41,58	79	30,03	75	29,41
10	Ғузор тумани	913	39,81	566	45,89	312	39,33	157	57,18	197	43,10	235	47,23	19	47,51	95	38,89	212	30,18	15	25,74
11	Касби тумани	686	40,19	321	43,13	175	35,59	203	53,61	185	39,80	205	53,60	10	33,33	187	35,53	29	22,61	35	33,33
12	Баҳористон тумани	47	32,57	26	40,71	20	26,25	13	41,88	12	31,25	8	47,92	0	0,00	11	29,55	2	19,44	0	0,00
13	Деҳқонобод тумани	309	39,98	183	50,30	125	38,11	55	47,47	51	35,40	83	54,55	4	38,89	56	32,69	20	25,42	31	24,91
14	Усмон Юсупов тумани	214	41,89	114	50,76	63	40,08	59	53,86	59	47,55	44	60,73	3	45,37	44	32,70	9	23,15	24	30,21
15	Қарши шаҳри	1277	40,87	778	50,94	361	35,19	166	51,10	161	39,30	371	57,88	9	34,26	474	51,01	186	28,81	3	15,74
16	Бешкент шаҳри	6	38,43	2	27,78	0	0,00	3	61,11	3	20,37	2	36,11	0	0,00	2	18,06	0	0,00	0	0,00
17	Китоб шаҳри	10	51,11	4	40,28	3	19,44	3	78,70	3	67,59	3	80,56	0	0,00	3	87,96	0	0,00	0	0,00
18	Косон шаҳри	23	39,61	11	25,76	8	23,26	4	36,81	5	30,56	8	51,04	0	0,00	9	44,75	0	0,00	0	0,00
19	Муборак шаҳри	2	30,56	0	0,00	0	0,00	2	52,78	2	45,83	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
20	Шаҳрисабз шаҳри	251	54,79	141	59,36	35	37,70	32	57,90	32	44,01	85	72,94	3	40,74	163	54,58	6	32,41	0	0,00
21	Толлимаржон шаҳри	5	42,78	0	0,00	0	0,00	3	62,96	3	54,63	2	65,28	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
22	Чироқчи шаҳри	2	33,33	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
23	Яккабоғ шаҳри	3	44,44	2	9,72	2	23,61	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
24	Қамаши шаҳри	10	31,67	5	36,11	3	30,56	5	52,78	5	35,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
25	Ғузор шаҳри	2	44,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
26	Муғлон шаҳри	6	43,06	0	0,00	0	0,00	3	54,63	3	25,00	2	80,56	0	0,00	2	72,22	0	0,00	0	0,00
27	Помуқ шаҳри	2	52,78	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	34,72	0	0,00	0	0,00

Қашқадарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шахар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %	География Абит. сони	География Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Инглиз тили Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Немис тили Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Француз тили Самарадорлик %
1	Қарши тумани	288	43,44	190	44,63	86	37,08	24	42,36	33	34,09	102	47,36	0	0,00	101	28,91	25	22,67	2	26,39
2	Китоб тумани	129	49,44	74	54,17	28	40,18	20	43,75	17	40,20	38	61,62	2	31,94	46	43,06	20	27,92	3	25,93
3	Косон тумани	156	37,91	104	38,84	45	33,52	10	44,44	19	34,36	55	43,03	1	41,67	47	27,96	16	22,40	8	21,88
4	Муборак тумани	47	37,47	39	38,39	22	30,18	2	55,56	2	51,39	8	48,61	0	0,00	13	27,14	3	13,89	3	23,15
5	Шаҳрисабз тумани	251	49,19	175	49,60	66	41,79	18	50,62	29	39,08	72	62,11	8	43,75	83	46,08	28	27,48	18	29,17
6	Нишон тумани	106	42,74	75	38,89	26	32,80	6	59,26	10	30,00	40	50,00	0	0,00	34	32,43	14	20,63	0	0,00
7	Чироқчи тумани	264	45,56	175	54,48	75	47,85	37	45,80	40	37,15	68	54,86	2	52,78	100	42,39	16	24,48	8	43,40
8	Яккабоғ тумани	244	48,67	137	46,49	65	33,63	39	46,65	46	34,90	83	58,40	2	25,00	57	44,20	41	28,32	10	29,72
9	Қамаши тумани	202	43,52	142	48,26	83	38,79	19	45,32	16	33,68	62	52,33	4	66,67	38	45,10	16	29,86	14	24,80
10	Ғузор тумани	235	44,70	156	51,32	68	46,69	14	40,48	22	37,37	86	48,13	0	0,00	41	39,02	72	24,27	8	40,63
11	Касби тумани	261	45,07	188	50,30	82	49,29	29	53,74	29	37,64	78	48,22	0	0,00	88	30,62	11	21,72	9	37,35
12	Баҳористон тумани	21	36,11	19	50,00	7	44,84	1	77,78	2	31,94	3	25,00	0	0,00	8	31,94	0	0,00	0	0,00
13	Деҳқонобод тумани	118	48,54	72	44,83	27	38,58	10	50,00	12	37,50	56	51,93	1	22,22	29	30,84	16	23,09	10	20,56
14	Усмон Юсупов тумани	70	47,50	46	44,08	9	32,10	8	57,99	8	45,14	31	48,12	1	19,44	19	36,40	4	26,39	13	34,62
15	Қарши шаҳри	542	42,32	417	47,70	180	39,03	21	49,07	33	34,51	132	48,93	0	0,00	191	43,54	86	21,61	0	0,00
16	Китоб шаҳри	2	43,06	2	52,78	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
17	Косон шаҳри	15	32,22	13	48,08	6	34,26	0	0,00	3	23,15	2	22,22	0	0,00	5	30,56	0	0,00	0	0,00
18	Муборак шаҳри	2	43,06	2	70,83	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	62,50	0	0,00	0	0,00
19	Шаҳрисабз шаҳри	63	55,42	47	50,06	14	28,37	0	0,00	6	38,89	19	66,96	0	0,00	31	60,75	5	20,00	0	0,00
20	Янги Нишон шаҳри	2	34,72	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
21	Муғлон шаҳри	3	40,74	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	49,07	0	0,00	3	43,52	0	0,00	0	0,00
22	Корашина шаҳри	3	43,52	2	31,94	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	50,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

АДИБ ХОТИРАСИ

Улуғ адиб, маърифатпарвар ва сиёсий арбоб Мунавварқори Абдурашидхонов таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан ТошДУ узбек филологияси факультети анжуман ташкил этди. Унда профессор Б.Қосимов, «Гулистон» журнали бўлим бошлиғи С.Аҳмедов, доцентлар С.Холбоев, У.Долимов ва университет талабалари иштирок этишди.

УЧРАШУВ

Куни кеча ТошДТУ талабалари «Сирли олам» «Қалб кўзи» ва «Суҳбатдош» газеталари таҳририяти ходимлари билан учрашув утказишди. Учрашувда таҳририят муҳаррири Хожиакбар Шайхов, шоир Рауф Субҳон ва ёзувчи Рустам Обидовлар иштирок этишди. Шунчаки учрашув эмас, балки узаро суҳбат, мулоқот тарзида утган кеча барчада яхши таассурот қолдирди. Талабалар қизиққан саволларига жавоб олишди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ

БУГУННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бундан икки-уч йил илгари «лугатимизда» пайдо булган лицей,гимназия сузларини эшитиб тўғриси эътибор бермаган эдим. Чунки бу «сузларнинг» у пайтларда эътибор берадиган бирор жиҳати ҳам йўқ эдида. Бироқ орада бир оз вақт ўтиб, бизнинг туманимизда ҳам иккинчи лицей-интернат пайдо бўлди. Буни қарангки, мен ҳам ўша лицей-интернатга ўқитувчи бўлиб бордим. Ҳозир ҳам ана шу даргоҳда ўқитувчиман. Энди эса лицей деган атамани эшиттанимда кунглимда айрича илиқлик уйғонади. Чунки лицейда менимча, фақат аълочи ўқувчиларгина ўқий оладигандай туюлади.

Бизнинг лицей-интернатимизда ҳам бир юз элликлдан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Ўқитувчиларимиз ўз фанини чуқур биладиган кишилар. Шу важдан ўқувчиларимиз республика олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Демоқчиманки, кейинги пайтларда таълим-тарбияда муваффақиятлар ҳақида кўп айтилаяпти. Бу жуда тўғри. Агар менга қолса, ана шу муваффақиятларнинг энг юксагини ҳозирда ташкил этилган ва этилаётган лицейлар гимназиялар, улардаги чуқурлаштирилаётган синфлар деб айтардим.

Жонона ХЎЖАЕВА,
Хива туманидаги 2-лицей-интернат ўқитувчиси

Til bilgan – el biladi

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Жаҳон тарихининг барча даврларида хорижий тилларни билишга кенг аҳамият берилган. Чунки турли давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий муносабатларни ривожлантиришда чет тили асосий воситадир.

Бизнинг давримизга келиб хорижий тилларни билишнинг қадри яна ҳам ошди. Келгусида етишиб чиқадиган ҳар бир мутахассис камида битта, қолаверса, икки-уч хорижий тилни билиши лозим.

Ватанимиз мустақил бўлгач, маънавият ва маърифат, таълим-тарбия соҳаларида асосий вазифалар белгилаб олинди. Кейинги йилларда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Умуман, таълим тизимида хорижий тилларни ўргатиш муҳим ўрин эгаллайди. Мустақиллигимизнинг етти йили ичида хорижий тилларни билувчилар ва ўрганувчилар сони бир неча юз баробарга кўпайди. Чет тилини ўрганиш ҳар бир ўқувчи ҳамда талаба учун севимли машғулот бўлиб қолди, десак муболаға бўлмас. Лекин чет тилини ўргатишда ҳар хил эски ва самарасиз усуллардан воз кечмоқ зарур. Юртбошимиз И.А.Каримов ҳам хорижий тилларни ўрганишда миллий асосдаги жадаллаштирилган методикани тайёрлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлади. Бинобарин, хорижий тилларга ўргатишга доир дарслик, ўқув қўлланмалари, луғатлар ва техник воситалар замонавий ва миллий асосдаги жадаллаштирилган методика замирида яратилиши лозим. Бу методика ўқувчиларнинг хорижий тилда гапира олиш, ўқиш, ёзиш, эшитиб тўғри талаффуз қилиш ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши керак. Она тили ва чет тилларини қиёсий тавсифлаш, яъни ҳар икки тил тизими ва таркибидаги умумий ҳамда фарқли аломатларни аниқлаш асосида чет тилини билиб олиш методикасини яратиш мумкин. Лекин кейинги йилларда хорижий тилларга ўргатишда рус тилидан воситачи тил сифатида нотўғри фойдаланиб келдик. Бу камчилигимизни тўғри пайқаган муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги гапларига эътибор беринг: «Чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим... Кечаги тарихимизда бизнинг Ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ. Бунинг натижасида ўзбек мактабларини битирган болаларимиз қисилиб қолиб, чет тилларни ўрганишда жуда кўп тўсиқларга учраяпти. Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор». Дарҳақиқат, чет тилига ўргатишда, қандайдир воситачи тилдан фойдаланиш ҳеч қайси мамлакатнинг методикасида йўқ.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда хорижий тилларни ўргатишга доир жуда кўп методикалар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг бирортасида воситачи тилдан фойдаланилмаган. Бу сохта, бефойда ва самарасиз йўл кўпчилик ўқитувчиларимизни ҳам чалғитиб келди. Энди бундан халос бўлиш вақти етди, хорижий тилларни ўргатишнинг миллий асосдаги методикасини тайёрлашда хорижда яратилган (айниқса АҚШ, Англия, Франция ва Германиядаги) методикаларнинг ижобий томонларидан самарали фойдаланиш мумкин. Албатта, чет тилида тўғри ва аниқ мулоқот қила билишга жадал ўргатиш осон эмас. Тилнинг талаффузи (фонетика), сўз ва иборалари (лексика) ва уларни бир-бирига боғлаш йўлларини (грамматика) маълум андозалар (моделлар) ёрдамида ўргатишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки кўпроқ чет тилида мулоқот қилиш жараёнида сўз ва ибораларнинг гапда қандай боғлангани ва маъноларини онгли ўзлаштириб олишга эътибор бермоқ лозим.

Хорижий тилларга ўргатишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тезроқ тайёрлаш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш учун ҳаракатни авж олдириш зарур.

Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ профессори

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Куни кеча пойтахтимизнинг энг гўзал биноларидан бўлмиш «Ле - Меридиан» меҳмонхонасида ЮНЕСКО, ЮНФПА ва IPPF халқаро ташкилотлари ҳомийлигида «Аҳолишунослик ва тараққиёт Халқаро анжумани «Қоҳира+5» мавзуидаги семинар бўлиб ўтди. Семинарни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари журналистларини 1994 йилда Қоҳирада журналистлар учун ўтказилган «Аҳолишунослик ва тараққиёт Халқаро анжумани» ишлари билан таништиришдан иборат. Бундай тадбирлар 10 та минтақа оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилмоқда. Булар ҳақида 1999 йил февраль ойида Гаагада бўладиган «Қоҳира анжумани + 5» номли Халқаро форумда алоҳида ҳисобот берилади.

Анжуманни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Ёрқулов бошқарди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Бош вакили Майкл Барри Лейн, IPPF (Оилани режалаштириш Халқаро Федерацияси) Бош директорининг ўринбосари Прамилла Сенаняке, ЮНЕСКОнинг етакчи мутахассиси Сабиха Сайёд, IPPFнинг Алмати ваколатхонаси маслаҳатчиси А. Шамсутдиновалар сўзга чиқишиб, аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш орқали соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш масаласига асосий эътиборни қаратдилар. Йиғилганлар Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори Ж. Қурбонов маърузасидан мамлакатимизда репродуктив саломатликнинг бугунги аҳволи ҳақидаги янги маълумотларни билиб олишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси раиси С. Рашидованинг қилган маърузаси «Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция»га Ўзбекистоннинг қўшилиши ҳақида бўлди. Нотиқ ўз маърузасида бизнинг жамиятимизда аёлнинг тутган ўрни ва унинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда комиссия (Омбудсмен) қилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди. С. Рашидова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-,64-, 65- моддаларига асосланиб, «Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция»ни кенг шарҳлаб берди.

Икки кун давом этган анжуман сўнгида иштирокчилар «Қоҳира + 5» жараёнининг муҳим жиҳатлари ва уларнинг Ўзбекистондаги тадбиқини атрофлича муҳокама қилдилар. Анжуман қатнашчилари якунга доир қарор қабул қилдилар.

Норали ОЧИЛОВ

«ДАРАХТЛАРНИ ҲАМ АВЛОДЛАРНИ ЎЙЛАБ ЭКИШИМИЗ КЕРАК»

(Боши 1-бетда)

Келгуси йил маориф учун 143 млрд. сўм пул ажратилди. Бундан ташқари кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий янгилиги бўлмиш академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг қурилиши ва жиҳозланиши учун 34 млрд. сўм ажратиладиган бўлди. Бу маблағлар Республика бюджетининг 29 фоизини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра бу миқдор мазкур соҳага ривожланган давлатлар бюджети ажратмаларидан анча кўпдир.

Сессияда қатор қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари ҳам сўзга чиқиб, инсоннинг табиатга кириб бориши лозимлигини таъкидлаб, табиатни пайҳон қилишга эмас, уни асраб-авайлашга, дарахтларни кесишга эмас, ниҳол экишга чақирди. Қонунни яратишда мана шу нуқтаи назардан ёндашиш лозимлигини таъкидлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосан келажак авлодни ўйлаб амалга оширилаётган савобли иш эканлиги ҳаммага аён. Юртбошимиз ҳар бир ишни шу асосда юритиши табиат ҳақида сўз борганда ҳам яққол кўринди:

«Биз дарахтларни ҳам авлодларни ўйлаб экишимиз керак», деди Президент.

Сессияда қабул қилинаётган қонунлар мазмунига, аҳамиятига эътибор берар эканман мамлакатимизнинг салоҳияти ошиб, ривожланиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ҳ. САИДОВ

Пойтахтимиз мактабларида меҳнат қилаётган химия ва биология фанлари ўқитувчилари тажрибали педагог Эргаш Имомовни яхши танишади. Бонси, Э. Имомов кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида фаолият кўрсатиб, шу фанлар бўйича тўплаган ўз билим ва тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиб келади. Шунингдек, Эргаш ака болалар билан ишлашни ҳам ниҳоятда севади. Уларнинг чуқур билим олишлари учун вақтини ва ёрдамини асло аямайди.

Суратда: Эргаш Имомов ўзининг ёш шогирдларига экологиядан сабоқ бермоқда.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат

МЕХРИБОНЛИК УЙИДА БАЙРАМ

Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйида ушбу даргоҳнинг ташкил этилганига 70 йил тўлиши муносабати билан катта байрам тантанаси бўлиб ўтди. Уни Бойсун туман ҳокими Т. Ҳамроев кириш сўзи билан очди. Вилоят ҳокими ўринбосари Қўчқор Аҳмедов меҳрибонлик уйининг 70 йил ичида босиб ўтган йўллари ҳусусида батафсил тўхталди. У вилоят ҳокимлиги номидан меҳрибонлик уйига телевизор совға қилди.

Шундан сўнг Республика болалар уйлари, мактаб-интернатлари ходимлари ва тарбияланувчилари уюшмасининг хўжалик ҳисобидаги «Саво» бирлашмаси бош директори Мурод Аминов тарбияланувчиларга стипендиялар, ходимларга пул мукофоти ва фахрий ёрлиқлар топширди. Музработ туманидаги Дон маҳсулотлари комбинати директори, УзбекистонОлий Мажлиси депутати Қурбон Амирқулов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бобораҳим Мирзаев, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевлар ҳам ўзларининг илиқ сўзларини ҳадя этишди.

Болалар уйининг бир гуруҳ тарбиячилари ва ходимлари Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг нишонлари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Н. ТЎРАЕВ

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ БАЖАРИЛИШИДА РАҲБАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этишда барча бирдек ҳаракат қилиши лозимлиги бот-бот такрорланмоқда. Айниқса, ҳокимлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг ўрни алоҳида. Чунки тайёрланадиган кадрлар улар раҳбарлик қилаётган даргоҳларда ишлайдилар. Қолаверса таълим муассасаларида айни кунда фаолият кўрсатаётган ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари таҳсил оладилар. Демак раҳбарлар ота-оналарга далда бериб, йўналтириб турадиган, ташкиллаштирадиган кишилардир.

Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси, халқ таълими аълочиси Зоир Зиёевдир. Сессия кунлари у киши билан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга тадбиқ этилишида олиб борилаётган ишлар борасида суҳбатлашдик.

— Корпорация ҳудудида 5 та мактаб мавжуд. Улардаги 10 та синфнинг 275 нафар ўқувчиси мустақиллигимиз тенгдошлари. Ватан келажагининг эгалари. Шу боис шу 275 нафар боланинг ота-оналарини чорлаб, суҳбатлашдик. Ҳар ойда бир марта йиғилишиб туришга келишдик. Асосийси боланинг тарбияси, ўқиши борасида мактаб-ота-она-маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйдик. Бола тарбияли бўлса, эртага эл-маҳалла тарбияли бўлади, жамият ривожланади. Мазкур синфларга дарс берадиган ўқитувчилар маошларига корпорация томонидан 1000 сўмдан пул қўшиб бераяпмиз. Мақсад битта — ўқувчиларни, ота-онани, ўқитувчиларни қизиқтиришдир. Ҳозир бу болалар янги алифбони ўзлаштиришди. Энди шу 5 та 1-синф болаларига сабоқ бериш учун Самарқанд Давлат университети инглиз тили ўқитувчиси Бахтиёр Одиловни таклиф қилдик. У махсус танловлардан ўтиб, Англияда ўқиб қайтган мутахассис. Унга хўжалик ҳисобидан 20 сотих ерни 5 йилга (шу болаларимиз то 5-синфга ўтгунча) шартнома билан ажратиб бердик. У ердан топган даромади ўзиники. Бундан ташқари корпорация томонидан ҳар ой маош сифатида 20 минг сўм берадиган бўлдик.

Бу ишларнинг барчаси қонуний асосда йўлга қўйилган. Бу домла бизнинг синовимиздан ўтган, тўрт йил давомида у инглиз тили йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ўқишни хоҳлаган ўқувчиларимизга репетиторлик қилиб келди. Домла тайёрлаган болаларнинг аксарияти олий ўқув юртларида ўқияптилар. Дарвоқе, ҳозир кўпчилик мактабларда инглиз тили ўқитувчиси етишмайди, дейишади. Бизда бу муаммо бўлмайди. Чунки ўша ўқишга кирган йигит-қизларимиз бирикки йилда тайёр кадр бўлиб хўжалигимизга қайтадилар.

Юқоридаги гапимни давом эттирсам. Болаларнинг январ таътилидан сўнг биринчи синфларимиз инглиз тилини ҳам ўргана бошлайдилар. Болаларимизнинг уч йиллик ўқишларига зарур бўлган қўшимча адабиётлар, қалам-дафтарлар учун 112 минг сўм пул ҳам ажратиб бердик. Бу ишларнинг назоратиға, ҳамкорлигига маҳаллани жалб қилдик. Мана янги қонун бўйича ўзини-ўзи бошқариш ташкилоти бу ишда бош-қош бўлмоғи керак эмасми? Маҳалла қўмитаси ҳар бир боланинг хонадонида бўлиб, ота-онаси билан, мактабда бўлиб ўқитувчилари билан учрашиб, муаммоларни биргаликда ҳал қиладиган бўлишди.

З. Зиёев раҳбарлик қилаётган корпорация айни кунда саноатлашган экан. Хўжаликда етиштириладиган ҳар бир маҳсулот қайта ишлаб, сотилади. Унинг эндиги орзуси ушбу саноат тизимини янгича технологиялар билан алмаштириш, жаҳон андозаларига мос келадиган, қайта ишланган маҳсулот чиқаришдир. Бунинг учун эса замонавий кадрлар зарурлигини таъкидлаб, Президентимиз бошчилигида яратилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келадиган натижага ишонажагини билдирди.

Diqqat, yangilik!

ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТ КУРСИ

Тошкент Давлат техника университети (ТДТУ) қошида Европанинг етакчи олий ўқув юртларидан ҳисобланувчи Берлин техника университети ҳамда Афина таълим-технология институтлари билан ҳамкорликда Европа ҳамжамиятининг «Tacis - Tempus» дастури доирасида энергетика менежменти бўйича саккиз ойлик ўқитиш курслари ташкил этилди. Биз ушбу университетда бўлиб «Tacis - Tempus» дастури бўйича ТДТУнинг энергетика факультети декан муовини Илҳом Сиддиқов билан суҳбатлашдик.

—1997 йили Европа ҳамжамияти энергетик менежментлар тайёрлаш бўйича грант эълон қилган эди. Грант шартлари бўйича университетимиздан олти нафар профессор - ўқитувчилар Берлин техника университетида бўлишиб, ўз ўқув дастурларини топшириб қайтган эдилар. Бизга 1998 йилнинг бошларида хушхабар келди. Ўқитувчиларимиз тузган ўқув дастурлари грантга лойиқ деб топилибди ва энергетик менежментлар тайёрлаш имконияти ТДТУга топширилди. Бу ютуққа эришишимизнинг асосий сабабларидан бири, университетимизнинг Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан тўғридан - тўғри илмий услубий ва ишлаб чиқариш алоқаси ўрнатганлигидир. Курсларни ташкил қилишда айнан Берлин техника университети ҳамда Афина таълим-технология институтларини танлаганимизнинг боиси шуки, бу олийгоҳлар энергетик менежментлар тайёрлаш бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Иккинчидан улар ўқув-услубий ҳужжатлар ва ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича «Шенген» келишуви асосида иш олиб борувчи давлат олийгоҳлари ичида юқори ўринларни эгаллашади. Уларнинг ўқитиш усули бутун дунёда тан олинган.

Ҳозирда курсга 23 нафар тингловчи жалб қилинган. 15 киши энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг ходимларидир. Дарсларни чет элларда тажриба ортириб келган ўқитувчилар билан биргаликда Берлин техника университети ва Афина таълим-технология институтларидан жалб қилинган мутахассислар олиб боришмоқда. Ўқув шароитлари янги техник воситалар асосида қурилган. Яъни «Интернет» тармоғи, локал тармоқлари ва электрон почтага уланган компьютер синфи, ўқув-услубий хоналар, энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг иккита ўқув маркази ҳамда махсус лабораториялар бизнинг тасарруфимизда.

Курсни тамомлаганларга Европа ҳамжамияти томонидан тасдиқланган энергетик менежмент махсус сертификати берилади. Имоним комилки, битирувчиларимизнинг ҳар бири етарли савияга эга бўлиб, келажакда республикамиз ёқилғи-энергетика саноатини самарадорлик билан бошқариш масъулиятини ўз ғарданларига олишади.

Ғайратбек ЮСУПОВ,
ТошДУ талабаси

ЙИЛНИНГ СЎНГГИ ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Пойтахтдаги А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институтида ноанъанавий ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда бугунги таълимнинг энг долзарб мавзулари таҳлил қилинди.

Улардан бири «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларининг Самарқанд вилоятидаги ижроси бўйича бўлиб, амалга оширилаётган ижобий ишлар таъкидланган ҳолда, асосий эътибор йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларига қаратилди.

Хўш, улар нималардан иборат? Халқ таълими қайси жабҳаларда оқсамоқда?

Аввало, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш 12,7 фоизни, яъни республика бўйича энг паст натижани кўрсатади. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган сессияда болалар боғчаларига бўлган муносабат таъкидланганди. Ёдингизда бўлса, мактабгача таълим муассасаси қуриш ўрнига, унинг биноси бир генералга «ҳадя» қилингани танқид остига олинган эди. Мутасадди раҳбарлар туманлардаги ҳолатларни ҳам таҳлилдан ўтказиб, тегишли хулосалар чиқармоқлари лозим.

Таълимнинг янги қонунлар асосидаги мазмунини айниқса, мактаб раҳбарларининг яхши билмаслиги (58%), масалан, Самарқанд туманида ҳам асосий муаммолардан биридир. Давлатнинг бугунги талабларини тўлиқ билмаган, уқмаган мактаб директори қандай қилиб ўқитувчилари билан ишлай олади?

Пастдарғом ва Пойариқ туманларидаги айрим мактабларда Халқ таълими вазирлиги ва бошқармаларнинг қарорлари, буйруқлари ва хатлари ўз вақтида етказиб берилмаган. Бу ҳол маълум маънода ўқув даргоҳини ахборотдан маҳрум этишга кирмайдими? Ахборотнинг аҳамияти эса бугунги кунда барчага маълум. Вилоят бўйича ўқувчилар сонининг ўсиши йилига 27-28 минг кишини ташкил этаётгани, бироқ йилига 7-8 минг ўринли мактаблар қурилаётгани ҳам диққатни жалб қиладиган масаладир. Ўз ахборотида Самарқанд вилоят ХТБ бошлиғи А. Бекмуродов вилоятнинг янги раҳбарияти билан мазкур муаммолар муҳокама қилиниб, махсус тадбирлар ишлаб чиқилганини маълум қилди.

Ҳайъат мажлисидаги «Илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни аниқлаш ҳамда оммалаштириш» масаласи ҳам баҳс-мунозараларга бой ўтди. Янгича педагогик технология нима? Ҳар қандай усул ҳам янгича педагогик технология бўла оладими? Уларни аниқлайдиган мезон борми? Улар қандай аниқланади? Қай тартибда оммалаштирилади?

Баҳс-мунозара мана шу саволларга жавоб излаш борасида бўлди. Мазкур масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев маъруза қилди. У юқорида таъкидланган саволларга жавоб бераркан, ишлаб чиқилган «Илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни аниқлаш ҳамда оммалаштириш бўйича чоратадбирлар»нинг ҳаётий бўлишига, уларни ўз вақтида амалга оширишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади ва бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хабаримиз аввалида таъкидланган ноанъанавий ҳайъат йиғилишининг яна бир ўзига хослиги ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан малака оширишга келган ўқитувчилар, тарбиячилар, мактаб директорлари ҳам иштирок этишди. Бундай катта йиғилишларнинг нақадар жиддий ўтишига, педагогларга қўйилаётган талабнинг нақадарлиги гувоҳ бўлишди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган ҳар бир масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳ. ОМОНОВ

Qadriyat

ОИЛАМИЗ ТАРИХИНИ ЯРАТАЙЛИК

Одатда «Ватан қаердан бошланади?» деган анъанавий саволга: туғилган маҳаллангдан, қишлоғингдан ёки остонангдан деб жавоб беришади. Мен эса бу саволга «Ватан оиладан бошланади», дердим.

Жамиятнинг бошланғич нуқтаси саналмиш — оила ўзига хос муҳитга, меҳнат фаолиятига, анъаналарга эга. Ана шу хусусиятлари билан у жамият деб аталмиш улкан чинорнинг илдизларини ташкил этади. Хўш, нафақат бола, балки ҳар биримизда ўз оиламизни севиш ҳиссини тарбиялаш учун ишни нимадан бошламоқ керак? Мен бу саволга оила тарихини яратишдан, дея жавоб берардим. Халқимизда етти уруғини билишнинг ҳаёмма учун фарз ҳисобланиши ҳам авлодларнинг аждодлар тарихини ўрганишга, унутмасликка даъват этиб туради.

Ҳозирги ёшлар шу ақидага қандай амал қилишяпти? Бироз илгари болаларнинг ўз оилалари ҳақидаги тасаввурларини синаш учун ўзим раҳбар бўлган синф ўқувчиларига қуйидагича саволнома тарқатган эдим:

1. Оила аъзоларингиз ҳақида нималар биласиз, улар қандай меҳнат турлари билан шуғулланишади?

2. Кимни кўпроқ ҳурмат қиласиз? Нима учун?

3. Синфдошларингиздан кимнинг оиласига ҳавас қиласиз? Нима учун?

4. Уйингизда ота-боболардан қолган қандай ёдгорликлар сақланади? Қаерда?

5. Оиладаги қайси қувончли кунни эслайсиз? Ким билан фахрланасиз?

27 ўқувчидан атиги 3 нафаргина ўз оилалари ҳақида мен кутган даражадаги тасаввурга эга бўлиб чиқди, холос. Қолган жавоблар узуқ-юлуқ эди. Ўшандан кейин мен ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига ўз оиласи, шажараси тарихини ўрганиш, фарзандларини бундан бохабар этиш, оила ёдгорликларини асраб-авайлаш ҳақидаги мулоҳазаларимни айтдим ва маълум натижаларга эришдим. Лекин ҳозир гап бир синф ёки мактаб ҳақида кетаётгани йўқ. Бу ишни бутун туман, вилоят ва мамлакат миқёсида ўйлаб кўриш керак. Оилаларимиз тарихини яратиш ва уни келгуси авлодга етказишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: Оила аъзоларининг исм-шарифи, туғилган йили, қариндошлик даражаси, касб-кори; шажарасининг бош аждодлари, улардан тарқалган қариндошлар сулоласи; фото-суратлар ва ҳоказолар.

Оилалар тарихи яратилишининг яна бир ижобий томони шундаки, тўпланган ва эзъозлаб сақланадиган оила ҳақидаги маълумотлар келажакда яратилиши мумкин бўлган маҳалла, қишлоқ, туман ва вилоятлар тарихи учун бошланғич манба вазифасини ўтайди. Оиланинг бундай «таржимаи ҳоли»ни яратиш, бойитиш, сақлаш ҳар биримизда ўз аждодларимизга ҳурмат, садоқат, фахр ҳиссини уйғотади. Оилага, унинг мустаҳкам илдизларига бўлган садоқатимиз эса Ватан деб аталмиш улкан хонадонимизга бўлган садоқатга айланиши муқаррар.

Абдулла АБДУҒАФУРОВ,
Учқўрғон туманидаги
13-мактаб ўқитувчиси

ТАБИАТ ТАРБИЯСИДАГИ БОЛАЛАР

Бола бошидан, ниҳол ёшидан, деган нақл бор доно халқимизда. Ҳа, табиатни асраб-авайлаш, уни янада кўкламзорлаштириш, гул ва дарахтларни синдирмаслик, парранда ва ҳайвонот дунёсига озор бермаслик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, тежамкор бўлишлик ҳақидаги дастлабки тушунчаларни фарзандларимиз онгига илк ёшданоқ сингдириб боришимиз лозим.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 265-ясли-боғча кичкинтойлари айнан ана шу руҳда тарбияланаётган. Илк иқтисодий таълим ва экологик тарбия уларнинг шуурига ўрта гуруҳданоқ ўйин орқали сингдирилмоқда. Дилбандлар масканида 4 та ясли, 8 та боғча гуруҳи мавжуд бўлиб, уларда 282 нафар ўғил-қиз тарбияланяпти.

Биз боғчанинг тайёрлов гуруҳида ўтказилган машғулотни кузатдик. Гуруҳда 30 нафар жажжи ширинтой бўлиб, машғулотлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўтилар экан. Уларга 18 йиллик тажрибага эга бўлган, I-тоифали тарбиячи Зарифа Мўминова мураббийлик қилмоқда. У мурғак қалбларнинг иқтисод ва экологик тарбияга оид билимларини тест саволлари орқали қуйидагича аниқлади.

— Болажонлар! Боғчамизга иккита хат келибди. Хатда бизлар шу пайтгача иқтисодиёт ва экологияга оид ўрганган билимимиз ҳақида саволлар ёзилган. Диққат билан тингланг. Қайси дарахт гулламайди, аммо мева беради?

— Анжир, — деди ийманибгина Гулноза.

— Тут ҳам гулламайди, — деди шоша-пиша Анвар.

— Жуда яхши. Жайрон, туя, бўри, қоплон (каби ҳайвонларнинг) ҳайвонларидан қай бирининг номлари «Қизил китоб»га киритилган?

— Жайрон, қор қоплонининг номлари «Қизил китоб»га ёзилган, — деди Темур.

— Турна, лайлак, қарға, қалдирғоч сингари қушларнинг қайсилари биринчи бўлиб ўлкамизга учиб келади?

— Қалдирғоч, лайлак, — деб жавоб берди Гулнора.

— Тўғри. Кунларнинг бирида боғча тарбияланувчилари сайрга чиқибдилар. Йўлда кетишаётса, кичкинагина полапоннинг уясидан тушиб кетиб, ерда ётганини кўриб қолишибди. Ана шу қушчага қандай ёрдам кўрсатиш керак?

—Боғчага олиб бориб, тўр қафасда парвариш қилиш керак, — деди Нодир.

— Қушни уясига олиб қўйиш зарур, — жиддий оҳангда деди Абдужалил.

— Ўзи ётган жойида қолдириш лозим, — деб жавоб берди Ботир.

— Қани, болакайлар, кимнинг жавоби тўғри? Ўйлаб жавоб беринглар.

— Абдужалилнинг жавоби тўғри, — баравар жавоб беришди ширинтойлар.

— Ҳа, болажонларим, қушлар бизнинг дўстимиз, уларни асраш — табиатни асраш демак. Айтинглар-чи, маош, стипендия, нафақа, вексель сўзларининг қай бири оила бюджетига кирмайди?

— Вексель, — деди Рустам.

— Нафақа нима учун берилади?

—Бувиларимиз, боболаримиз маълум ёшгача меҳнат қилганликлари учун нафақа берилади, — деб жавоб берди Шаҳло.

— Баракалла, қизим. Банан ва хурмо меваларининг қайси бири қиммат?

— Банан қиммат, — деди Лобар. — Чунки у бу ерда ўсмайди.

— Жуда тўғри...

— Боғчамизда, — деди Зарифа Мўминова, — «Сув ва болалар» давлат дастури асосида экология ва иқтисодга оид ўтказилган очиқ машғулотларда нуридийдаларимиз сувни тежаш, ифлослантирмаслик, ундан тўғри фойдаланиш, қадрлаш, шунингдек, бозор, банк, бартер, реклама, импорт, экспорт ҳақида қандай тушунчага эга эканликларини кўрсатадилар.

Ширинтойлар математика, нутқ ўстириш, мантиқий фикрлаш, тасвирий санъат, рус тили, ўзбек тили, инглиз тили, жисмоний тарбия, русийзабон болаларга мусиқий тарбиялардан имкон қадар кенгроқ билим олмоқдалар.

Ясли гуруҳининг биттасида Мария Монтессори услуби бўйича тажриба ишлари олиб борилаётир.

Ҳар чоракда болаларнинг билимлари тест синовлари орқали аниқлаб борилади. Шунингдек, боғча гуруҳи тарбиячиларининг ҳам билим савияси, иш фаолияти бўйича рейтинг тизими татбиқ қилинган.

Жорий йилда боғчанинг катта гуруҳидаги тарбияланувчилари – рус гуруҳидан 10, ўзбек гуруҳидан 6 нафар ўғил-қизлар туман халқ таълими бўлими текширувидан ўтиб, 178, 180, 182-мактабларнинг лицей ва гимназия синфларида таълим олишмоқда. Кичкинтойлар маскани тумандаги 79-мактаб жамоаси билан ҳамкорлик ўрнатган.

Лола Абдуллаева, Лариса Капитова, Ғалина Артикова, Замира Исмоилова сингари тажрибали мураббийлар мурғакларнинг нозик қалбларига йўл топишда, ранг-баранг, қизиқарли машғулотларни кўргазмали қуроллар асосида ўтказишда ёш тарбиячиларга намуна бўлишмоқда.

Болалар гулшанида таълим-тарбияга оид тадбирларни амалга оширишда қандай муаммолар бор, деган саволимизга 22 йиллик тажрибага эга бўлган услубчи Дания Собирова шундай жавоб берди:

— Муаммоларни имкон қадар ўзимиз ўзаро келишган ҳолда ҳал қилаётирмиз. Лекин тарбиячиларимиз услубий қўлланмалар етишмаслиги сабабли бирмунча қийналмоқдалар. Айримларини русчадан таржима қилишга тўғри келяпти. Шу боис, «Мактабгача таълим» журнали қайта тикланиб, илғор тарбиячи, услубчиларнинг иш тажрибалари, амалий машғулотлар, қимматли маслаҳатлар бериб борилса айни муддао бўлур эди.

Ҳа, кичкинтойлар бўстонида тарбия олаётган ғунчалар келажакда бепоён диёримизнинг гуллаб-яшнашида муносиб ҳиссаларини қўшишларига ишончимиз комил.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ХАБАРЛАРИ ☎ MMM

MAROSIMLARIMIZNI O'RGANAMIZ

Qoraqalpog'iston Respublikasining Beruniy tumani markazidagi Beruniy nomli maktabda muzey tashkil qilindi. Qomusiy bilimlar sohibi Beruniy hayoti va buyuk me'rosi haqida so'zlovchi ushbu muzey ochilishida tuman hokimi vazifasini bajaruvchi Po'lat Turetov va xalq ta'limi bo'limi mudiri Engel Hasanov so'zga chiqib uning yoshlar tarbiyasidagi ahamiyatiga alohida to'xtaldilar. Muzey tashkilotchilari va tashabbuskorlariga cheksiz minnatdorchilik izhor etdilar.

Goyib YOQUBOV

MAKTABDA YANGI ASAR TAQDIMOTI

Farg'ona viloyati Uchko'prik tumanidagi 9-maktabda yurtboshimiz I.Karimovning yangi «O'zbekiston buyuk kelajak sari» asarining taqdimoti bo'lib o'tdi. Unda maktab rahbari E.Hojimatov, o'qituvchilar R. Nizomov, M.Turdialiyevlar kitobning mazmun mundrijasi bilan barchani tanishtirdi. Uning barkamol avlod tarbiyasida eng muhim dasturlardan biri bo'lib qolishini ta'kidladilar.

Sharifa MADRAHIMOVA

MASLAKDOSHING BO'LSIN EKAN

Kegayli tumanida kelgusi yil uchun xalq ta'limi xodimlarining turli nashrlarga obuna bo'lishlarini tashkil etishga alohida e'tibor berilmoqda. Ayniqsa, yil sayin har bir o'qituvchiga chin ma'noda maslakdosh bo'lib qolayotgan «Ma'rifat»ga obuna bo'lishda xomiylar va mutasaddilar ko'magi keng jalb qilinayapti. Bu borada tumandagi 1, 26, 33- maktablarda ibratli ishlar qilindi

Qisqasi, chuqur islohotlar kechayotgan sohada davr bilan hamnafas ishlashda maslakdoshing bo'lsin ekan...

Muxbirimiz

NOAN'ANAVIY UCHRASHUV

ToshDU professori Nazira Abduazizova boshchiligida jurnalistika fakul'teti talabalari «Jahon adabiyoti» jurnalining bosh muharriri, zakiy munaqqid Ozod Sharafiddinov bilan uchrashuvda bo'ldilar. Uchrashuv ustoz olim taklifiga ko'ra uning xonadonida bo'lib o'tdi. Suhbat bugungi jurnalistika va «Jahon adabiyoti» jurnalining tashkil etilishi tarixi va olib borilayotgan ishlari xususida qurildi.

Faxriddin KARIMOV

BIZNING BAYRAM BO'LDI

Yaqinda biz 1-a sinf o'quvchilari uchun unutilmas kun bo'lib o'tdi. Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosini to'liq o'rganib chiqib, «Alifbo» bayramini qizg'in nishonladik. Bayramda Vatanimizning davlat madhiyasini birgalikda g'urur bilan ijro etdik. A'lochi do'stlarim A.Kamolov, N.Abdullayeva, S.Izzatullayev va boshqalar bilan birgalikda o'zimiz yoqtirgan va o'rganganshe'rlarimizni yoddan o'qidik. Ashulla va raqslar ijro etdik. Kecha so'ngida biz birinchi ustozimiz Mastura Qodirovaga o'z minnatdorchiligimizni izhor etib, anvoiy gullar taqdim etdik.

Farrux MAMAJONOV

MMM ☎ XABARLARI

ҚИШКИ ТАЪТИЛ ТАНТАНАЛАРИ

Ҳадемай, болажонларимиз орзиқиб кутган янги йил кириб келади. Айнан шу кунлар болажонлар мактабдан таътилга чиқишади. Таътил кўнгилдагидай ўтиши эса бошланадиган чоракка ҳам таъсир этмай қолмайди. Демак, қишки таътилни кўнгилдагидек ўтказиш зарур. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги қишки таътилни ҳамда «Президент арчаси»ни кўнгилли ўтказиш юзасидан Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазирлигига, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаларига, вилоят халқ таълими бошқармасига тавсиялар юборди. Ушбу тавсиялардан кўзланган биринчи мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ва сермазмун ўтказишдир. Иккинчидан бўш вақт ҳам ўқувчи учун фойдали ва самарали бўлсин. Ўйлаб кўринг қишки таътил кунлари, турли маданий тадбирлар: «Арча байрами», спорт мусобақалари, ўз она қишлоғи, шаҳри тарихини, анъаналарини, табиатининг диққатга сазовор жойларини ўрганиш бўйича экскурсиялар уюштириш бўш вақтни мароқли ўтиши эмасми? Ёхуд вилоят, шаҳар, туман театрлари ва маданият уйлари актёрлари, ижодкорлари билан қизиқарли учрашувлар, маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида тўгарак ишларини ташкил этиш ва ушбу тўгарак аъзолари тайёрлаган маҳсулотлар ярмаркаси, ким ошди савдоси уюштирилса вақтни бесамар кетди деб бўладими? Ушбуларнинг бари юқорида айтиб ўтганимиз тавсияда кўрсатилган бўлиб, бу шуб-ҳасиз, болажонларга қаратилган эътиборнинг бир кўринишидир.

Сир эмас, ўзбек халқи азалдан ўз қадриятларига содиқдир. Улардан бири меҳрибонлик, меҳмондўстлик, файзли кунларда етим-есирлардан хабар олиш. Ўксик қалбларга малҳам бўлиш...

Янги йил байрами ҳам ана шу анъаналарни давом эттиради. Республикамиздаги барча меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Улар ҳам ўзлари тайёрлаган эртаклар (улардаги қаҳрамонлар: тулки, қуён, бўри)ни намойиш этишади.

Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ



Х.Мирзакаримов олган сурат.

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

? ? ?

Мактаб кутубхоначиларининг штати қандай меҳнат қонунларига асосан белгиланади? Уларнинг тоифалари ва меҳнат ҳақи тўғрисида маълумот берсангиз. Республика ХТВ ва Молия вазирлиги томонидан белгиланган қонунларга вилоят, туман халқ таълими ва молия бўлими ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эгами?

Мамадали БОЙМИРЗАЕВ,
Избоскан туманидаги 6-ўрта мактаб кутубхона мудири

! ! !

Кутубхоначи (кутубхона мудири) лавозими умумтаълим мактаблари штатида 1997 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишиб тасдиқлаган умумтаълим ўқув муассасаларининг Намунавий штатлари асосида белгиланади. Кўрсатилган штат бирлиги, сони мактабдаги синфлар (синф-комплектлар) сонига боғлиқ. 7 тадан 13 тагача синфга (синф-комплектларга) эга мактабларда 0,5 бирлик кутубхоначи лавозими белгиланади; 14 тадан 29 тагача синфларга (синф-комплектларга) кутубхоначи ўрнига бир бирлик кутубхона мудири лавозими киритилади; 30 тадан 33 гача синфларга (синф-комплектларга) эга мактаблар штатига бир бирлик кутубхона мудири ва 0,5 бирлик кутубхоначи лавозими белгиланади; 34 та ва ундан кўп синфлар (синф-комплектлар) мавжуд бўлганда эса бир ойлик кутубхона мудири ва бир бирлик кутубхоначи лавозими белгиланади.

Вилоят халқ таълими бошқармасига, тегишли молия органлари билан келишиб, халқ таълими муассасаси сармоясига мўлжалланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан чиқмаган ҳолда иш шароити ва меъёри жиҳатидан уларга кўрсатилган Намунавий штатларни тадбиқ этиш мумкин бўлмаган, алоҳида мактаблар штатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Мактаб, кутубхона ходимларининг лавозим окладларининг миқдори ва меҳнатга ҳақ тўлаш тариф разрядлари, амалдаги маданият - маърифат муассасаларининг ягона таъриф жадваллари билан аниқланади.

? ? ?

1998 йил 1 февралдан 28 февралгача лицей - интернат директори Тошкент шаҳрида малака ошириш курсларида ўқишда бўлди.Шу бир ой мобайнида директор буйруғига асосан мен директорлик вазифасини бажариб турдим. Ўриндошлик қилганим учун менга бош ҳисобчи И.Худойбердиев иш ҳақи тўланмаслигини айтди.

У ҳақми?

А.ИНОЯТОВ
Навоий вилояти Хатирчи тумани А.Қодиров номли лицей - интернати

! ! !

Сизнинг сўровингизга асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»нинг 160-моддасига биноан, ўз асосий иш вазифасига қўшимча равишда вақтинча ишда бўлмаётган ходимнинг вазифасини ўриндошлик йўли билан бажараётган ходимнинг иш меъёри томонларнинг ўзаро меҳнат шартномаси асосида белгиланади.

Вақтинча ишламаётган ходимнинг мансаб вазифалари бошқа ходимга юқори ташкилот буйруғига асосан берилади. Ўриндошлик йўли билан мазкур вазифани бажараётган ходимга унинг асосий мансаб маоши (мансаб маоши, шахсий ва бошқа қўшимчалар) билан вақтинча ишда бўлмаётган ходим мансаб маоши ўртасидаги фарқ (шахсий ва бошқа қўшимчалар ҳисобга олинмаган ҳолда) тўланади.

Агар ўриндошликни бажараётган ходим штат жадвали бўйича ўринбосар ҳисобланса, у ҳолда маошдаги фарқ тўланмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Сизга вақтинча мактаб директори вазифасини бажариб турганлигингиз учун асосий иш ҳақингиз ва директор маоши ўртасидаги фарқ тўланиши лозим.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ХТВ Режа ва молия бош бошқармаси меҳнат иш ҳақи бўлими мутасадди ходимлари томонидан шарҳлаб берилган жавоблар муштарийларимизни қониқтиради, деб ўйлаймиз.

МАҚСАД САРИ ЙЎЛ

Ғаллаорол туманидаги Ғалмикор қўрғонида 1994 йили Қори-Ниёзий номли 1-иқтидорли болалар лицей-интернати очилган эди. Ўша пайтда бу даргоҳга зеҳнли, билимга чанқоқ йигит-қизлардан 60 нафари танлаб олиниб, сабоқлар бошланди.

Хўш, ўтган давр мобайнида қандай натижаларга эришилди? Келгуси режалар қандай? Мазкур лицей-интернат директори Аҳмад Бутунов бизга шу хусусда сўзлаб берди.

— Лицейимиз немис тили ва математика фанларини чуқур ўргатишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда 16 нафар ўқитувчи ва мураббийлар 110 ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда. Бутун улар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Қўшни қишлоқлардан келиб ўқийдиганлар учун ётоқхонамиз мавжуд. Улар иссиқ овқат билан таъминланган.

Шу қисқа фурсатда, оз бўлса-да, муваффақиятларга эришдик, десам муболаға бўлмас. Ҳар йили ўқувчиларимизнинг 85 фоизи талабаликка муяссар бўлмоқда.

Бу йил ҳам 15 нафар ўқувчимиз ўқишни тамомлади. Уларнинг ҳам қарийб ҳаммаси олий ўқув юртларида ўқимоқда. Ушбу натижа ҳаммамизни бирдек қувонтирди. Айниқса, Давронжон Абдусаломовнинг ютуғини айтмасам бўлмайди. Давронжон тест синовларидан 203,2 балл тўплаб, Тошкент Молия институтининг молия-кредит факультети талабаси бўлди. Қизиғи шундаки, у 14 ёшида бу муваффақиятга эришди.

— Эришаётган ютуқларимизда Ҳурия Муқаддасова, Саидрасул Баракаев, Розия Суярова, Абдурасул Ҳайдаров, Раҳима Султонова, Мавлуда Шодиёрова, Шаҳодат Хўжаёрова каби ўқитувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Келгуси йил ҳам лицейни 25 нафар ўқувчимиз тамомлайди. Улардан ҳам умидимиз катта. Педагогик жамоамиз шогирдларимизнинг барчасини олий ўқув юртлари талабалари сифатида кўришни хоҳлайди. Бу ниятларимиз амалга ошсагина, олдимизда турган асосий мақсадимизга эришган бўламиз.

Фарҳод УСМОНОВ

Kasaba uyushmalari hayoti

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ ГУЛИСТОНДА

Анъана тусига кириб қолган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси Раёсат мажлиси бу сафар Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди.

Тармоқ ходимлари Марказий Қўмитаси раёсати «Марказий Қўмитанинг 1997—1998 йиллар раёсат ва пленумлари Қарорларининг бажарилиши», «Касаба уюшмаси фаолларининг ўқуви натижалари» ва «Сирдарё вилояти бошланғич касаба уюшмаларининг хўжалик фаолияти ва уларнинг иш юритишини такомиллаштириш», «Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ўқувчи-ёшлар ва ходимларни ижтимоий- иқтисодий ҳимоя қилиш борасида Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг олиб бораётган фаолиятида шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг роли»каби маърузаларни муҳокама қилишди. Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан Марказий Қўмита ўртасида 1998 йилда тузилган шартноманинг ижроси таҳлил қилинди. 1999 йил «Аёллар йили»да амалга оширилдиган тадбирлар ҳам белгиланди.

Нутқларда олий ва ўрта махсус таълими, халқ таълимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги айрим муаммоларни ҳал этиш, тармоқ ходимлари, талабалар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ва стратегик йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Тармоқ касаба уюшмалари катта куч ва имкониятларга эга. Халқ таълими ва фан ходимлари, ўқувчи-ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқлари, касаба уюшмаси аъзоларининг бозор иқтисодиёти даврида тўлақонли ҳаёт тарзини шакллантиришдаги вазифалар раёсат йиғилишида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

* * *

Раёсат қатнашчилари юртбошимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари бўйича конференция ҳам ўтказишди. Унда Сирдарё вилояти ҳокими муовини Қ. Оқбўтаев, Жиззах, Самарқанд олий ўқув юртлари ректорлари, вилоят «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси вакиллари, олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирликларининг масъул ходимлари, вилоят халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази раҳбарлари, вилоят касаба уюшмаси фаоллари, Гулистон Давлат университетининг иқтидорли талабалари, давлат стипендиантлари, аспирантлари, докторантлари қатнашдилар. Китобнинг мамлакатимиздаги барча муаммоларни ечишда катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди. Конференция қатнашчилари унинг педагогик жамоаларда, талабалар ва ўқувчи-ёшлар ўртасида чуқурроқ ўрганилишини ёқлашди.

Жумладан, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб - қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлимининг раиси Абдусаттор Муҳаммедов бу асар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини шундай ифодалади: «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари бозор иқтисодига ўтиш даврининг назарий асослари баён этилган муҳим дастур сифатида халқаро даражада тан олинаётганлиги бежиз эмас.

«Ислом Каримовнинг улкан хизматларидан бири, дейди Вашингтон университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ж.Хопкинса Ф. Стар, мамлакат давлат тизими тўла ишлашининг назарий лойиҳаси ва унинг амалда таъминланишига қайғуришида». Европа қайта тиклаш ва ривожланиш банки маълумотларида баён этилишича, Шарқий Европа ва собиқ СССРнинг 5 та давлатидаги ички ялпи маҳсулот кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари ичида олтинчи поғонани эгаллаб турибди.

Ўзбекистонда барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари нимада? Маълумки, бирон-бир жамият маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, дейди И.КАРИМОВ, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб шароитларда — эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди. Ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда , орқа -кетини ўйламай қайтиш кескинликка - ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруратини инкор этишга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тўлдирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тўғри келди.

Халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли вакили бўлиб қолди. Оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Ўтиш давридаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни қабул қилишда аҳолига ёрдам бермоқда.

Отахоннинг мазкур асарга берган баҳосини Самарқанд кооператив институти ректори, профессор А.Жабриев, Гулистон Давлат университети табиатшунослик факультети талабаси Зулхумор Ҳожиевалар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Конференция тугагач, Гулистон шаҳри бўйлаб экскурсия уюштирилди. Меҳмонлар болалар боғчалари, «Бахт уйи», бокс зали ва 21-ўрта мактабни бориб кўрдилар.

Й.АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бош мутахассиси

МЕҲР КЎЗДА

Ҳабиба Султонова тажрибали мураббийлардан. У 22 йиллик иш фаолиятини жажжи ўғил-қизлар тарбиясига бағишлади. Касбини, болаларни жон-дилидан севувчи бу аёл кўпчилик ўртаосида ҳурмат-эътибор қозонган. Ҳабиба Уйчи туманидаги 7-болалар боғчасида бир неча йил мудира бўлиб ишлади. Ҳозирда мазкур кичкинтойлар маскани туманда намунали боғчалар сафидан ўрин олди.

Жорий йилнинг июль ойларида Ш. Рашидов номли жамоа хўжалиги раҳбарлари туман халқ таълими бўлими раҳбариятига хўжалик боғчасига малакали кадр сўраб мурожаат қилди. Шунда халқ таълими бўлими мутасаддилари Ҳабибахонга ишонч билдириб, боғча мудиралигига тавсия этишди. Боғча ўз ҳолига ташлаб қўйилган, таълим-тарбия ишлари издан чиққан эди. Бу ерда ҳам қисқа фурсатда жамоа ва унинг изланувчан раҳбарининг саъй-ҳаракати туфайли боғчада қатор ижобий ўзгаришлар бўлди.

Яқинда дилбандлар масканида «Меҳр кўзда» мавзуида мулоқот-учрашув бўлиб ўтди. Унда жамоа хўжалиги, туман халқ таълими бўлими раҳбарлари, отаоналар иштирок этдилар. Мулоқот-учрашувда асосий эътибор оталиқ ташкилоти ва ҳомийларнинг ёрдами билан боғча фаолиятини яхшилашга қаратилди.

Машваратда жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Намойиш Анорова, туман халқ таълими бўлими мудири Абдумажид Отабоев, 20-боғча мудираси Раъно Аҳмаджоновалар озиқ-овқат, гўшт, сут билан таъминлаш шунингдек, том ёпиш, пайвандлаш ишларида ёрдам беражакларини билдирдилар. 42-мактаб директори Нўъмонжон Маматқулов эса тушган маблағнинг 50 фоизини боғча ҳисобига ўтказиб бериш ташаббуси билан чиқди.

Боғчага Ш. Рашидов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Маҳкамов 5 минг сўм ёрдам кўрсатди. Шаҳзодахон Дадажонова ота-оналар номидан эсдалик совғасини тақдим этди.

М. ҚОДИРОВ

Кенг зиёкорлар оммаси Шукур ДАДАШни жонкуяр маорифчи-раҳбар сифатида ҳурмат билан тилга олсалар, адабиёт ихлосмандлари эса шоир сифатида эъзозлайдилар.

Таҳририятимиз бу камтарин, самимий инсонни ўзининг ҳақли аъзоси деб ҳам атайди, зеро, 70-йилларда у газетамизда самарали меҳнат қилган.

Қуйида унинг янги ижод намунасидан, яъни «Суҳбат» достонидан парча ўқийсиз.

Таҳририят

СУҲБАТ

(достондан парча)

— Оҳ, ўғилжон, қайғурма,
Азиз бошинг этма хам.
Дунё икирларидан
Дилга ботмасин алам.

— Отажон нидо беринг,
Қалбим Сизга ташна, зор.
Гоҳ дилим топса таскин
Гоҳо топади озор.

Не қилай ширин орзу
Бўлиб қолса бир сароб.
Раҳмат ўрнига келса
Таъна сўзлардан жавоб.

Баҳор айланса қишга,
Аҳд вафога хиёнат.
Жон дўстим деб юрганинг
Амал учун... омонат.

Кексадан кетса иймон,
Меҳр бўлса бешафқат.
Устоз раҳмат ўрнига,
Маломат олса фақат.

Наҳот алдов дунё бу
Ёхуд шуми қиёмат?!
Тўғри келмас амалга,
Китобдаги ривоят.

Оҳ, отажон балки Сиз,
Топардингиз чорани,
Тўғри, содда дилларга
Танитиб оқ-қорани.

Қиблагоҳ нидо беринг,
Қалбим Сизга ташна зор.
Гоҳ дилим топса таскин,
Гоҳо топади озор.

Сен эришган бу замон
Кирмаган тушимизга.
Виждонга зид ишлардан
Келмасдик ҳушимизга.

Қадим урф-одатимиз,
Боғлашди, дин исломга,
Алик олмай қўйишди
Ўзбекона саломга.

Беқасам тўн, чуст дўппи,
Азаларда кийилди.
Она тили бўлиб ёт,
Забонимиз тийилди.

Сўзлайверсам дилбандим,
Ақлинг тортади сергак.
Келажак-авлодларга,
Бўлиб қолди бир эртак.

Аммо минг маротаба,
Ўзгарса ҳамки замон,
Айтинг яхши бўлганми,
Бирон даврда ёмон?!

Ўтда ёндир ғарқ этгил
Порала азиз жонни.
Яхши қолар пок, ростгўй
Асло сотмас иймонни.

Учма турфа сўзларга,
Иймонинг тут саломат.
Ҳеч ўкинма гоҳ боқса
Иблис, шайтонга омад.

«Қўлинг меҳнатда бўлсин
Дилинг эса Оллоҳда».
Ҳикматига эт амал,
Ботма фоний боткоққа.

Дўст ҳақида сўзладинг,
Кўп куйиниб, ўртаниб.
Бошга тушгач олурсан
Асл инсонни таниб.

Баҳолашга сен ожиз,
Ҳаёт танҳо муаллим.
Вақт кўрсатар ҳакамдек
Ким дўстингу, ким ғаним.

Ҳаёт эмас бир текис,
Эгри-бугри йўл учрар,
Зилол сув боғ ўрнига
Гоҳо қуруқ чўл учрар.

Буни умр дейдилар
Синов қадамда ҳар он.
Ундан ўтсанг гар дадил
Чин инсонсан, мард ўғлон.

МУҲИМ ҲУЖЖАТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан куни кеча Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг 1998 йил 17 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг мувақкат намунавий устави кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, бу йиғилишда ушбу намунавий уставни ҳар бир ўқув муассаса (мактаб)ларига ўз вақтида етказиш ва ўқув муассаса (мактаб)ларнинг ўз уставларини ишлаб чиқишлари тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Ҳикматилла ҒУЛОМОВ,
Умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бош назоратчи-услубчиси

«ҒУНЧА» КЕЛГУСИ ЙИЛДА

Жажжилар журнали «Ғунча»нинг обунаси 150000га қараб боряпти. Шу муносабат билан хатлар ҳам келяпти: «Мен, - деб ёзади Тошкенг шаҳар, Ялангоч массивидаги 119 - уй, 67-хонадонда яшовчи 3 -синф ўқувчиси Нафосат Каримова, - «Ғунча»га обуна бўлдим. Янаги йилда яхши чиқадими?»

Албатта, обунага фалон сум тўлаётган ўқувчилар ва отаоналарнинг бундай савол беришлари табиий. Хўш, анъанавий эртаклар, шеърлар, топишмоқлар, тез айтишлар, «Компьютер ўйинлари», «Бозор ва болалар», «Қирқ ҳадис», «Табиат даракчиси», «Одобнома» рукнларидан ташқари яна қандай янги саҳифалар бўлади?

Биз боғча ёшидаги болалар учун ТЕСТ машғулотлари берардик. Энди мактаб ўқувчилари учун ҳам бу қизиқарли машғулотни бошлаймиз. «Боғча-ТЕСТ», «Мактаб-ТЕСТ» деган янги рукнлар очилади.

«Келинг инглизча гаплашайлик!». Шундай деб бир қизалоқ муҳарририятга мурожаат қилиб қолди. Маълум бўлишича, инглизча гаплашадиган одам тополмай қийналар экан. Бу биз учун инглизча гаплашишнинг журнал варианти учун бир туртки бўлди. Мутахассислар билан ишлаб чиқлик. Энди болалар ҳар сонда ўнтадан инглизча сўз ўрганиши, икки-уч сўздан иборат жумлалар тузишлари мумкин бўлади. Демак, «Ғунча»нинг 12 та сонини олган ўқувчи 120 та сўзни узлаштириш имконига эга бўлади ёки бошқача қилиб айтганда, инглиз тилини ўрганишнинг дастлабки босқичини эгаллайди.

«Эртакни ўзимиз ёзамиз». Ажойиб болалар рассоми, марҳум Ҳабибулла Раҳматиллаев ҳаётлик пайтида бир ажойиб расм олиб келган, расмнинг тагига кичик бир изоҳ ёзиш керак эди. Расмни муҳарририятга келган шоир, ёзувчиларга кўрсатдик. Аммо улар «Асар зўр, изоҳ ортиқча» деб елка қисишди. Охири биз бу расмни «Оқшом эртаклари»да телевизор орқали кўрсатдик. Болалар расмни кўриб, шундай эртаклар ёзишдики, ажойиб, ғаройиб. Яна бир янги рукнимиз ана шундай пайдо бўлди.

«Фалокат оёқ остида...» Бу янги саҳифамиз болаларимизга турли хил кунгилсиз воқеалар, ёнғин, қуча тасодифлари, эҳтиётсизлик туфайли майиб бўлиб қолишларнинг олдини олиш йўлларини ўргатиб боради.

Яна бир катта янгилик, бу «Ғунча» журнали болалар учун алоҳида китобчалар ҳам чиқара бошлайди. Унинг биринчи китобчаси «Бир бор экан...» 25000 нусхада, иккинчи китобчаси «Узбек алифбосини ўрганамиз» 50000 нусхада чоп этилди. 1999 йили ҳам бир нечта болаларбоп китобчалар нашр этишни «Шарқ» матбаа-концерни бош муҳарририяти режасига киритганмиз. Китобчалар ҳам худди журнал каби лотин алифбосида чоп этилади.

Журналда нотаси билан берилаётган янги қўшиқлар, болалар ёзувчиларининг суратлари, кичкинтойларимиз чизган расмлар обуначиларимизни хурсанд қилаётгани хатларидан маълум.

Биз обунанинг боришини кузатиб, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларини чинакам маънавият манзиллари дегимиз келади. Чунки обуначиларнинг асосини шу вилоят ўқувчилари ташкил этади. Инсон болаликдан газетхон, журналхон, китобхон бўлса, катта бўлганда ҳам бу фазилатни ўзида сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам вилоятлар халқ таълими ходимларига обунани яхши уюштираётганликлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

«Ғунча»нинг оммалашиб боришида »Шарқ» нашриёти матбаа-концерни босмахонаси маъмурияти ва ишчиларнинг ғоятда болажонлиги, заргарона меҳнатлари беқиёсдир. Журнал сонлари сифатли ва вақтида чоп этилмоқда. Келгусида ҳам шундай бўлишига ишонамиз.

Э.МАЛИКОВ,
«Ғунча» журнали бош муҳаррири

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти томонидан 1991 йилда Тулеганов Рыспек Эргашевич номига берилган РВ №871377 рақамли олий маълумот тўғрисидаги Диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Minnatdorchilik

ҚАЛБГА КЎЧГАН ОЗУҚА

Биз Абдулла Авлоний номидаги Республика ХТХМОМИда 12 кун давомида тингловчи бўлдик. Турли вилоятлардан келган муаллимлар бир-бирлари билан танишиб, тажриба алмашдилар.

Шу вақт давомида умумий ўрта таълим давлат таълими стандарти бўйича мазмунли фикрлар, мулоҳазалар тингладик. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов билан бўлган учрашувда муаллимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ўзбек тили фанини ўқитишдаги муаммолар, ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш усуллари ҳақида тилшунос-олимлар Омонулла Мадаев, Ёрмат Тожиев, Умарали Норматовларнинг чиқишларидан бой маънавий озуқа олдик.

Давлатимиз йўлбошчиси И. А. Каримовнинг янги асари «Ўзбекистон буюк келажак сари» китоби ҳақида ҳам давра суҳбати уюштирилди. Бу асар ҳақида чуқур маълумотга эга бўлдик.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўқиган шеърлар ва хонанда Гулбаҳор Сулаймонова ижро этган қўшиқлардан чексиз илҳом олдик.

Шундай қилиб, дилларимиз туташди, дунёқарашимиз бойиди, малакамиз ошди. Бунинг учун институт маъмуриятига чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Назира БОЙМУРОДОВА,
Ғиждувон туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси

Quvnoq startlar

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БЎЛМАГАЧ...

Республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси финал ўйинларининг навбатдаги қатнашчилари – Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 65-мактабнинг «Орзу» ҳамда Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 236-мактабнинг «Машъал» командалари учрашувига келган спорт ишқибозлари ҳам ҳар галгидек қизиқарли курашлар гувоҳи бўлишди.

XV республика «Қувноқ стартлар» мусобақасида учинчи ўрин соҳиби бўлган «Орзу» командаси бу гал чемпионлик учун курашиш ниятида келган бўлса керак деб ўйлагандик. Орзуга айб йўқ. Лекин «Орзу» командаси дастурнинг биринчи мусобақасида («Акробатлар») учрашувга етарли ҳозирлик кўрмаганлигини кўрсатди. Шошқалоқлик, кетма-кет хатолар панд берди. «Машъал» командаси аъзолари эса чаққонлик ва маҳорат кўрсатиб, 10 балл олишди.

Ютуқдан руҳланган пойтахтлик ўқувчилар дастурнинг «Аралаш эстафета» ва «Мураккаб эстафета» мусобақаларида ҳам дадил ва чаққон ҳаракат қилиб, яна 17 балл олишди.

Ниҳоят, «Орзу» командаси аъзолари дастурнинг «Қарама-қарши эстафетаси»да ўзларини ўнглаб олишди ва 10 балл соҳиби бўлишди. Галабадан руҳланган спортчилар дастурнинг навбатдаги бешинчи («Эпчиллар ўйини») ва олтинчи («Ўрин алмашиш») беллашувларида ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Лекин ўйин қоидалари бузилганлиги учун 6 балл жарима сифатида олиб ташланди.

Шундан кейинги икки учрашувда («Баскетболчи қизлар» ва «Баскетбол ўйини») тошкентлик ўқувчилар ўйин техникасини пухта эгаллаганликларини намойиш қилишди. «Орзу» командаси аъзолари «Оқсоқ қарға» дастурида чаққон ҳаракат қилиб, 10 балл олишди.

Сардорлар баҳсида, ўғил болалар ва қизлар беллашувида ҳам «Машъал» командаси ғолиб чиқди.

Муросасиз курашда 56:32 ҳисобида ғалаба қозонган «Машъал» командаси XVI республика телемусобақасининг навбатдаги беллашувларида қатнашадиган бўлди.

Мусобақа қатнашчиларига Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат спорт қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

«Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларини ўтказишни янада такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бир қатор мутасадди ташкилотлар билан шу йилнинг июл ойида чиқарилган қўшма қарорида ҳамда XVI республика «Қувноқ стартлар» мусобақасини умумий ўрта таълим мактабларида ўтказиш тўғрисидаги Низомда спортни кенг оммалаштириш, соғлом алводни тарбиялашда унинг ролини ошириш алоҳида таъкидланган. Афсуски, жойлардаги халқ таълими органлари ушбу мусобақаларни ўтказишга етарли масъулият билан муносабатда бўлмаётирлар. Буни ўтган йили вилоят чемпиони сифатида XV республика мусобақасида қатнашган — «Орзу» командасини вилоят миқёсидаги мусобақаларда қатнашмай республика финал мусобақасига юборилгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ахир жуда катта имкониятларга эга бўлган Самарқандда вилоят чемпиони сифатида республикада қатнашишга лойиқ командалар кўп бўлса керак?! Агар мусобақалар Низомга мувофиқ ўтказилса, жойларда спортга кўпроқ ўқувчилар жалб этилади. Боз устига тўртинчи босқич — финал мусобақалари қатнашчиларининг спорт маҳорати янада ортади. Бизнинг мулоҳазаларимизни барча вилоятлардаги халқ таълими органлари ва спорт ташкилотлари инобатга оладилар, деб умид қиламиз.

F. МАННОПОВ

Futbol

ВАЪДА

ЁКИ ҲОЛВА ШИРИНМИ, ҒАЛВА?

Бангкокда Осиё ўйинлари бошланишидан олдин Биродар Абдураимов билан суҳбатлашганимда у киши шундай деган эди: — Агарда яна ушбу мусобақа ғолиблигини қўлга киритишни истасак, ҳужумда Қосимов – Абдураимов – Бозоров учлигини ташкил этишимиз зарур. Ҳозирча бразилиялик мураббий Вега да Силванинг бунга ақли етмай турибди. У эртага барибир пушаймон қилади.

Алқисса, Вега Да Силванинг тажрибаси бизникиларга тўғри келмас экан. Бизнинг энг ёш футболчилардан ташкил топган (Шквиринни ҳисобга олмаганда) терма командамиз эса ўз ўрнида эронликларга тўғри келмади. Бир пайтларда да Силва ўзбек футбол мухлислари билан ўзи ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун «Ҳозирча мендан натижа талаб қилманг, яхшиси Бангкокда ким эканлигимни кўрсатишга имкон беринг» деган эди. Бўлмади. Терма командамиз бешинчи ўринда қолиб кетди.Ютқазганимизни нима билан изоҳлар экан, деб Осиё ўйинларидан сўнг уни яна саволга тутдик: «Натижа кўнгилдагидек, сиз ваъда қилгандек зўр бўлмади-ку, ака?« дедик. У киши «Ҳозир командамизнинг ҳолати ҳақида гапиришни истамайман. Қолаверса Банкокда ўйнаган йигитларга ҳеч қандай эътирозим йўқ..» дея ўзини олиб қочди.

Ана энди ўйлаб кўринг. Дастлаб Қувайт терма командаси билан бўлган учрашувда йигитларимиз таппа-тайёр ғалаба қилиб турган эди. Охирги дақиқаларда рақибларига ҳисобни тенглаштириш учун имкон бериб қўйди. Шунингдек Эрон терма командаси билан бўлган ўйиннинг охирги 5 дақиқасида ҳимоячиларимиз кетма-кет уч голни ўтказиб юборди. Бас шундай экан, нима учун бош мураббийнинг футболчиларимизга эътирози бўлмас экан? Да Силва бошчилигидаги терма командамиз жами учрашувларининг натижаларига эътибор қилинг-а, шунда бразилиялик тренер инъом этмоқчи бўлган ҳолвадан кўра ғалва кўпроқ бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Демак, Да Силва, Ўзбекистон терма командаси кўрсатган кароматлар:

1. Ўзбекистон — Қозоғистон – 4:0 (1997)
2. БАА — Ўзбекистон – 0:0 (1997)
3. Озарбайжон — Ўзбекистон – 2:1 (1998)
4. Хитой — Ўзбекистон – 3:1 (1998)
5. Таиланд — Ўзбекистон – 4:1 (1998)
6. Таиланд — Ўзбекистон – 6:0 (1998)
7. Ҳиндистон — Ўзбекистон – 0:0 (1998)
8. Ҳиндистон — Ўзбекистон – 0:4 (1998)
9. Қувайт — Ўзбекистон – 3:3 (1998) О.Ў
10. Мўғулистон—Ўзбекистон – 0:15 (1998) О.Ў.
11. КХДР—Ўзбекистон – 0:4 (1998) О. Ў.
12. Ҳиндистон—Ўзбекистон 0:2 (1998) О.Ў.

13. Туркманистон — Ўзбекистон – 1:1 (1998) О.Ў.
14. Эрон — Ўзбекистон – 4:0 (1998) О.Ў.
(О. Ў — Осиё ўйинлари)

Ҳаммаси бўлиб 14 учрашувда терма командамиз беш ғалаба, беш мағлубият ва тўрт бор дуранг натижага эришган. Бу яхшими, ёмон? Ҳисоб-китоблар бўйича фикр билдирилганда ёмон дегингиз келмайди. Аммо, дунёвий футбол ҳақида гапирар экансиз, яхши ҳам дея олмайсиз. Бундан 4 йил муқаддам Осиёда биринчи эдик. Ҳозир эса бешинчимиз.

Ўзбекистон терма жамоаси «йигитларга эътирозим йўқ» деганда менимча мўғулистон футболчиларини 15:0 га ютганлигини фахр билан ёдга олган бўлиши ҳам мумкин. Оббо... Бу футбол эмас-да, шунингдек, натижа ҳам эмас-да энди. Мўғулистонликларнинг футбол ўйнаётганлигини шахсан мен 32 ёшга кириб, энди билдим.

Нормурод МУСОМОВ

Xullas...

КУТУБХОНАДА ИШЛАШ «ҚАҲРАМОНЛИК»

Салкам 100 йил муқаддам Иркутскда илк кутубхона вужудга келган эди. Ана шов-шув, мана шовшув. Шаҳар генерал-губернатори ҳам кутубхонага қадам ранжида этиб, унинг иши билан қизиққан бўлди. Бирваракайига 315 киши аъзоликка ёзилишди.

Ҳозирда бу шаҳар кутубхоналари 700 та, бунинг 469 таси, яъни ярмидан кўпи қишлоқларда. Лекин бу нурхоналарга губернаторлар киришмайди. Кутубхонага доир йиғину тадбирларни вилоят маданият бошқармаси назорат қилади. 20 та нурхона «тартибга солиш» мақсадида қисқартирилди.

Энг қизиғи шундаки, кутубхонада ишлаш — «Қаҳрамонлик». Нега деганда, кутубхона мудирлари баъзан 170 рубль маош олишлари мумкин. Бу пулга 2 кило сарёғ сотиб олиб, 2-3 ой истеъмол қилганга «нима етсин?»

ОТА ИЗИДАН

Пеле битта, унга тенг келадиган футбол устасининг ўзи йўқ. Бразилиялик «юлдуз»нинг оёқларини сеҳру жодуга тўла деб ўйловчилар унинг қўмирдек қора кўзида «чироқдек» кўриниш берадиган 32 та тишига ҳам «беш» кетишади.

Пеле – кўп фарзандли ота. Икки ўғли, уч қизи бор. Ўғли Эдиньо отаси изидан кетди, лекин ҳужумчимас, дарвозабон. Футбол қироли икки яшар ўғли Жошуанинг ҳужумчи бўлишидан умидвор. Унинг синглиси Селеста отаси орзу қилганидек, волейбол юлдузи бўлиши керак. Қолган қизлари Кристина ва Сандраники эса бошқача ҳаёт... Ҳар қалай футболга қизиқишмайди...

ПИЁДА ЮРГАН МАЪҚУЛ

Қоҳира кўчалари Тошкент йўлларини доғда қолдиради. Бу шаҳарда автобусга осилиб олиш ҳам «бахт». Чунки ҳаракат кўплигидан автобуслар ҳам манзилга зўрға етиб олади.

Бойвуччалар эса пиёда юришни афзал кўришади. Негаки оёқ машинадан кўра чаққон ва бемалолроқ. Манзилга машинадан кўра тезроқ етиб олиш мумкин.

Ҳукумат транспорт муаммосини фақат ерости йўллари ечади, деб ҳисоблаяпти. 15 миллион аҳолига бошқа нима ҳам бас кела оларди?

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

... 41 ИГА ЧИДОЛМАДИКМИ?

Бангкокда ўтказилаётган XIII Осиё ўйинлари ўз поёнига етди. 13 кунлик мусобақаларда 43 мамлакатнинг 4000 спортчиси беллашди. Вакилларимиз 25 спорт тури бўйича иштирок этиб, медаллар ҳисобида (жами 40 та) 10 - ўринни эгаллашди. Хиросимада жамоамиз 5-ўринни эгаллаган эди.Демак ҳамюртларимиз 41 га ҳам чидашганида, ўша ўринни забт этармидик?!

БАСКЕТБОЛ

Вакилларимиз мусобақанинг ўнинчи куни Гонконг вакилларидан 78:59 ҳисобида устун келишди. Кейин қозоғистонликларни 93:54 ҳисобида доғда қолдириб, 9-ўрин учун японлар билан куч синашишди. Бу ўйинда ҳам ҳамюртларимизга омад кулиб боқди (81:66).

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА

Тўғрироғи, Осиё ўйинлари дастуридан ташқари муайтайчилар мусобақасида терма жамоамиз 6 спортчи билан иштирок этди. Барча иштирокчилар медаллар билан қайтишди.

СЎНГГИ КУН

Е.Пётин уч ҳатлаб сакраш, С.Войнов найза улоқтириш, Ольга Самойленко тўсиқлар оша 100 метр масофага югуриш бўйича кучли саккизликда баҳеларни давом эттиришди. Фақаттина С.Войнов 79 метр 70 см натижа билан 1-ўринни эгаллади, холос. Шу куни эрталаб академик эшкак эшувчилар ҳам медаллардан маҳрум бўлишган эди.

СЎНГГИ СЎЗ

Вакилларимиз спортнинг футбол, бильярд, велоспорт, синхрон сузиш, таэквандо, чим устида хоккей турлари бўйича бўш қатнашишди. Медаллар бўйича эса Хиросимадаги (5-ўрин) муваффақиятга эриша олмадик. Аммо Кореянинг Пусан шаҳрида ўтадиган навбатдаги ўйинларга умид қилиб қоламиз.

Нилуфар Муҳамедова – талаба. Самарқанд Давлат Чет тиллар институтининг V курсида таҳсил олади. Инглиз тилини мукаммал ўрганишга бел боғлаган бу қиз таржима санъатига қўл уришга ҳам журъат этди. Инглизчадан ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўгирмалар Нилуфарнинг бисотида анчагина.

Тилагимиз: Нилуфарнинг таржималари кўпаяверсин. Инглиз ёзувчиларининг ҳикоялари, кейинчалик насиб этса, қисса ва романлари Нилуфар Муҳаммедованинг қаламида сайқалланиб, ўзбек китобхонларининг кўнгил мулкига айлансин!

Қуйида Америка ёзувчиси Жон Чивернинг «Учрашув» номли ҳикоясини Нилуфар Муҳаммедова таржимасида ўқийсиз.

ЖОН ЧИВЕР

УЧРАШУВ

Дадамни сўнгги бор Гренд сентрал станциясида кўрган эдим. Ўшанда Адирондаскдаги бувимникидан ойим Кейпда ижарага олган уйга кетаётгандим. Поезд жўнашига қадар Нью-Йорк-даги станцияда бирга тушлик қилишни дадам билан келишиб олган эдик. Дадам мени чошгоҳда кутиб олиши ҳақида унинг котибаси ёзиб юборибди. Соат 12 ларда дадамнинг оломон орасидан чиқиб келаётганини кўрдим. Онам у билан 3 йил олдин ажрашган, мен ўшандан буён дадамни кўрмаганман. Лекин уни кўрибоқ дадамлигига, қисматим сабабчиси эканлигига ишондим. Улғайганимда албатта унга ўхшашимни ҳис этдим. Энди ўз режаларимни унинг хатоликларидан хулоса қилган ҳолда тузишим керак эди.

У баланд бўйли, келишган киши. Уни кўрганимдан ниҳоятда бахтиёр эдим. Дадам кифтимга қоқиб, кўлимни қисди.

— Қалайсан, Чарли? — ҳол-аҳвол сўради. – Гап бундай, йигит, сени клубимга олиб бормоқчиман. Клуб олтмишинчи кўчада. Агар биринчи поездга чиқмоқчи бўлсанг шу яқин атрофдаги биронта жойда овқатлансак яхши бўларди.

У қўлини елкамга қўйганда уни онам атиргулни ҳидлагандай ҳидладим. Шу тобда бирор таниш киши бизни бирга кўришини, суратга тушишимизни ва бу абадий хотира бўлиб қолишини хоҳлар эдим.

Станциядан чиқиб, кўча бўйлаб ресторанга йўл олдик. Ҳали барвақт бўлганлиги учунми, жойлар бўш эди. Қаҳвахона хўжайини хизматкор бола билан жанжаллашар, эшик олдида эса қизил пальтоли кекса официант ўтирар эди. Биз ўтирдик. Дадам официантни чақирди:

— Келне, официант, хизмат қиладиганлар борми ўзи? — деди баланд овозда – Котлет, котлет олиб келинг.

Кейин эса қарсак чалди. Қарсак официантнинг диққатини тортди шекилли, у олдимизга келди. Унинг шовқини бу осойишта қаҳвахонага тўғри келмаётгандай эди.

— Сиз қарсак чалдингизми? — сўради у.

— Бизни маъзур тутасиз, агар малол келмаса бир жуфт овқат олиб келсангиз.

— Қарсак чалганларни ёқтирмаймиз, — деди официант.

— Унда ҳуштак чалишимга тўғри келади. Шунда қари официантга яхшироқ эшитилади. Энди эса ёзиб олингда, 2 та овқат олиб келинг. Эсингиздан чиқмасин-а.

— Яхшиси бошқа жойга борсаларингиз бўларди— деди официант жиддий қиёфада.

— Бу – деди дадам ҳам бўш келмай, — умрим бино бўлиб эшитган энг зўр таклиф бўлди. Кетдик, Чарли, елкамизнинг чуқури кўрсин бу ерни.

Бошқа қаҳвахонага бордик. У ерда дарров ичимликларни келтириб қўйишди. Дадам мени бейсбол ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташлади. У бўш стакан билан столни тақиллатиб яна официантни чақирди: — Официант, Келне, яна безовта қиламан. Мана шундан яна иккита олиб келинг.

— Бу бола неча ёшда? — сўради официант.

— Буми, бу билан ишингиз бўлмасин.

— Кечирасиз, сэр, мен болага бошқа ичимлик олиб келмоқчи эдим, — деди официант кета туриб.

— А, Чарли, — деди дадам бир нарсани эслагандай. – Кўп янгиликлар бор. Бу Нью-Йоркдаги ягона қаҳвахона эмас. Анави тарафда яна бошқаларини очишган.

Кетдик, Чарли.

Дадам ҳисоб-китоб қилди ва иккаламиз бошқасига йўл олдик. У ернинг официантлари овчиларникига ўхшаш пушти ранг жакет кийиб юришар экан. Ўтирганимиздан сўнг дадам яна бақира бошлади:

— Эй, хўжайин, бизга ичимлик келтиринг.

— Иккитами? — кулиб сўради официант.

— Нима деяётганимни яхши биламан, ярамас, — деди унинг кулганидан жаҳли чиққан дадам.

— Иккита ичмоқчимиз. Тезроқ келсанг-чи. Дўстим Герцог айтган эди, булар қадимий Англияни замонавийлаштиришган эмиш. Қани, кўрайлик-чи, Англия коктейлга ўхшаш нима ишлаб чиқара олар экан.

— Бу ер Англия эмас.

— Мен билан айтишманг, нима деган бўлсам шуни бажаринг.

— Қаерда эканлигингизни эслатмоқчийдим, холос.

— Яна бир нарса десангиз... Бунча сурбет бўлмаса булар. Кетдик, Чарли.

Биз қўнган тўртинчи жой Италия қаҳвахонаси эди.

— Яхшимисиз, сэр, иккита коктейл келтиринг, — деди италянча тилда дадам.

— Кечирасиз, италянча тушунмайман.

— Кўйсангчи, тушунасан, ярамас. Иккита коктейл ичмоқчийдик. Тезроқ— деди яна италянча тилда. Официант биз томонга келаётган капитан билан гаплашди.

Кейин бизга қараб: — Кечирасиз, сэр, жой эгалланган, – деди.

— Жуда яхши. Бошқа стол буюринг.

— Ҳаммаси эгалланган, -- гапга аралашди капитан.

— Мен шу ерда ўтираман, — деди дадам жиддий туриб. – Бирга ўтиришни хоҳламайдилар шекилли. Майли, унда билганингни қил. Даф бўлларинг. Кетдик, Чарли, — деди дадам хўрсиниб.

— Поездга чиқишим керак, дада.

— Кечирасан, Чарли, эсимдан чиқибди. У қўлларини елкамга қўйиб бағрига босди. – Станцияга сен билан бирга бораман. Қанийди фурсат бўлса-ю, сени клубимга олиб борсам.

— Шу ёғи ҳам етади, дада.

— Тўхта, газета олиб бераман.

Поездда ўқиб кетасан.

У киоскага бориб сўради:

— Илтимос, сэр, тушдан кейин чиққан газеталардан берсангиз.

Сотувчи бурилиб шу бўладими дегандай журнал сиртига ишора қилди.

— Наҳотки шунча қиммат турса? — деди ҳайрон бўлиб дадам,

— Сотилган матбуотнинг газеталарини пуллаш сизга ҳали қимматга тушади.

— Кетишим керак, дада, кечикаяпман, дедим мен.

— Ҳозир, ўғлим. Манавунинг бир адабини берай.

— Яхши қолинг, дада – дедим-у, эндигина жўнай бошлаган поездга отилиб чиқдим. Дадамни охирги марта ана ўшанда кўрганман.

Qutlov

Қадрли Тоҳир Рихсиев!

Сизни 55 ёшингиз ва педагогик фаолиятингизнинг 38 йиллиги билан табриклаймиз.

Ўқитувчиликдек масъулиятли ишда сизга ҳамиша муваффақият ёр бўлсин.

Омон бўлинг!

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги В. Каримов номли 1-ўрта мактаб жамоаси

Ҳурматли дадажонимиз Норбой Ортиқов!

Чорак асрдан зиёд бўлибдики, ҳаётингиз илмга бахшида. Кучқувватингиз комил муаллимлар тарбиясига камарбаста. Бу эзгу ишингизда собитлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин. Туғилган кунингиз билан табриклаймиз.

Оила аъзоларингиз

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг январь ойига қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирди.

1. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича)	4-30 январь
2. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича)	4-30 январь
3. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги химия, биология ва география бўйича)	4-30 январь
4. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги физика, математика ва информатика бўйича)	4-30 январь
5. Туман (шаҳар) ХТБ мудир муовиплари курси	4-16 январь
6. Туман (шаҳар) услубиётхоналарининг химия ва биология методистлари курси	19-30 январь
7. Спорт мактаби директорлари	4-30 январь
8. Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази директорлари	4-30 январь
9. Экологиядан мақсадли курс (маърузачилар гуруҳи ВПХМОИлардан)	4-9 январь
10. Ташхис марказ дефектологлари	4-9 январь
11. Ташхис марказ психологлари	11-23 январь
12. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат директорлари	4-30 январь
13. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг якка машғулот ўқитувчилари (нутқни ўстириш бўйича)	4-16 январь
14. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатлар логопедлари	19-30 январь
15. Бошланғич синф ўқитувчилари учун янги дастур ва дарслик бўйича мақсадли курс (Андижонда)	11-16 январь
16. Тарих дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш (Сурхондарёда)	25-30 январь
17. География ва табиат ўқув предмети бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун синов дастури ва Ўзбекистоннинг янги атласи бўйича курс (Самарқандда, маърузачилар гуруҳи)	25-30 январь

Курсларнинг барчасида машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади. Курс давомида таниқли педагог-олимлар, санъатқорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент – 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

Тошкент Давлат Университетининг механика-математика факультети жамоаси шу факультетнинг математик анализ кафедраси доценти Ж. Тешабоевга отаси

КАРИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими жамоаси 201-мактабнинг география фани ўқитувчиси, меҳнат фахрийси

Ёқутхон МУХИТДИНОВА

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасининг масъул ходими Васильева Виолетта Петровнага отаси

ВАСИЛЬЕВ Петр Васильевич

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Тил ва адабиёт таълими» ҳамда «Преподавание языка и литературы» журналлари таҳририяти ходимлари журналлар масъул котиби Шаҳноза Жўраевага онаси

Насиба ЖЎРАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди- 21.30